Аввал англаб, кейин билиб, сўнгра кўрмоқ

4-бет

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt

2008-yil 29-may
№ 66 (2479)
payshanba

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta ✻ E-mail: ishonch-doverie@mail.ru ✻ Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбек маънавиятининг ўз тарозиси бор 3



Асл санъат ўлмайди 5

«Мени йўқотма» 11



Тўрт бора ўлган одам 12

Ракурс

«Мен хастаяму...»

Ёшлар газетасида ишлайман. Яқинда таҳририятимизга Фарғона вилоятидан ёш талаба-журналистлар келиб, амалиёт ўтаб кетишди. Уларнинг тиришқоқлиги, интилувчанлигига таъриф йўқ. Довон оша яхши ниятлар билан келиб, тажриба орттириб кетишганининг ўзиёқ мақтовга лойиқ.

Қизиқ ҳолат. Бизга Фарғонадан амалиёт ўташ учун келишади-ю, ёнгинамизда, пойтахтнинг нуфузли университетларида журналистикадан таҳсил олаётган аксар тенгдошларимиз ҳеч бўлмаганда ҳафтада бир маротаба таҳририятлар эшигини «зиёрат» қилмасликларига таажжубланасан киши.

Ўзим ҳам талабаман. Узоққа бормай-да, ўзимнинг курсдошларимни мисол қила қолай. Ҳисобласам, ярмимиз амалиёт қоғозига «печат» урдириш учунгина таҳририятларга борар эканмиз. Бу, ҳар олти ойда бир марта «амалиёт»-га борамиз, дегани...

Журналист— жамият шифокори, деган жарангдор гап бор. Афсуски, ўзимиз айрим «касаллик»-лардан холи бўлмай туриб, эртага шифокор бўла олишимизга жуда-жуда ишонгим келади-ю, аммо...

Элмурод НИШОНОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

Умар ҲАЙЁМ

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарига 2008 йил учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичларимиз: 133, 134

Ishonch
2008 йил 29 май / № 66 (2479)

2008 йил — Ёшлар йили

Яқинда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг ташаббуси билан Қарши давлат университети ва Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида иқтидорли ёшларнинг илмий, ижодий интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг, маданий, маънавий савиясини ўстириш, илмий тадқиқот фаолиятига жалб этиш, қобилият ва иқтидорларини тўла намоён этишга қаратилган «Фан, тараққиёт ва ёшлар» мавзусидаги анъанавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Иқтидор баҳоси

Унда асосий эътибор иқтидорли талабалар, магистрлар аспирантлар ва тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятларига қаратилди.

Икки кун давом этган конференция ёш аспирантлар, магистрлар ва талабалар орасида кўплаб иқтидорли ёшлар борлигини кўрсатди. Шундай ёшлардан 50 нафарга яқини вилоят кенгашининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Шаҳло ТУРСУНОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгашининг мутахассиси

Мафтункор ранглар жилоси

Хатирчи туманида ёшлар ўртасида «Мафтункор ранглар жилоси» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда 21 нафар ногирон ўқувчи йигит-қизлар ҳам қоғоз саҳнига туширилган сара асарлари билан иштирок этишди.

Истеъдод мисоли чақмоққа ўхшайди. Ғолиб деб топилган ёшлар орасида 5 нафар ногирон ўқувчи ҳам бор. Танлов ғолиблари бўлим ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи туман кенгашининг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мансур ЗОИРОВ

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоят вакиллиги «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси таркибидаги Кўкдумалоқ, Зеварда, Помуқ-Алан-Қултоқ цех касаба уюшма ташкилотларида Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш мақсадида фаоллар ўқув-семинарини ўтказди.

Юксак маънавият – келажак пойдевори

Тармоқ кенгашининг вилоятдаги вакили Ж.Қурбонов миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси бошлиғи Ш.Шамсиев йирик саноат гигантининг мустақиллик йилларида иқтисодий салоҳияти юксалиши, вакиллик бош мутахассиси А.Холмуродов бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ташкилотчилик ва ташвиқот ишларининг йўлга қўйилиши ҳақида сўзлаб бердилар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёзги соғломлаштириш

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу йилги мавсумда дам олиш оромгоҳларида 3 минг 300 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқариши кўзда тутилган. «Пахтасаноат» бирлашмаси, «Сирдарёавтойўл», «Сирдарётаъминотсавдо» каби ҳомий ташкилотлар томонидан «Гулистон», «Юбилей», «Турон», «Сирдарё», «Бургутча», «Шодлик» каби оромгоҳларда катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилди.

Мавсум муваффақиятли ўтади

Вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар бошқармалари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ҳамкорлигида аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, «Камолот» ЁИҲ вилоят кенгаши «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида дам олиш оромгоҳларида турли спорт мусобақалари, суратлар, куй-қўшиқлар танловларини ўтказишни режалаштирган. Бундан ташқари, оромгоҳларда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашувлар ўтказилади, она табиат қўйнига саёҳатлар уюштирилади. Оромгоҳларга жалб этилмаган ёшлар билан ҳам маҳаллаларда, тарбия масканларида давра суҳбатлари, маънавий-маърифий анжуманлар, спорт мусобақалари ўтказилади.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

«Намангандонмаҳсулот» АЖда 579 нафар касаба уюшма аъзоси меҳнат қилмоқда. Ўтган йили ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида янги иш ўринлари яратилгани айни муддао бўлди.

Касаначилик шарофати

Акционерлик жамияти томонидан аҳоли қарамоғидаги қорамол ва товуқлар назоратга олиниб, уларга жамият томонидан сифатли омухта-ем маҳсулотлари берилди. Жорий йилнинг 1-чорагида касаначилар томонидан жами 4546 литр сут етказиб берилиб, шундан 1900 литри меҳнат шароити оғир ишчи-ходимларга бепул тарқатилди. Апрел ойидан бошлаб товуқбоқарлар ҳам жамият ошхонасига тухум етказиб беришни бошладилар.

Ҳозирги кунда жамиятда 60 нафар касаначи актив фаолият кўрсатмоқда.

Э.ҚАҲҲОРОВ,
«Намангандонмаҳсулот» АЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

«Оқ сув» крем-пишлоқлари

Қўрғонтепа туманидаги «Оқ сув» фермер хўжалигида «Оқ сув» тамғаси туширилган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси «Оқ сув»нинг асосий харидорларидан саналади. Эндиликда маҳсулотлар сони яна биттага кўпайди. Крем-пишлоқ тайёрлаш йўлга қўйилди. Замонавий технология асосида тайёрланаётган ушбу маҳсулот хуштаъмлиги ва витаминларга бойлиги билан барчага манзур бўлаяпти.

Корхонада қисқа фурсатда 3 тоннага яқин янги маҳсулот ишлаб чиқарилиб, мактабгача таълим муассасалари ва коллежларга етказиб берилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Япониялик шифокорлар Гулистонда

Японияннинг Жайка Халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан таклиф этилган бир гуруҳ мутахассислар ҳамда шифокорлар мамлакатимизнинг бир неча вилоятларида самарали фаолият кўрсатишмоқда.

Кунчиқар давлатдан келган бир гуруҳ акушер-шифокорлар Гулистон шаҳрига ташриф буюришди. Улар тиббиёт муассасаларида бўлиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишишди. Шунингдек, маҳаллаларда туғиш ёшидаги аёллар ва ёш оилалар билан суҳбатлашдилар. Аёлларда учрайдиган турли хасталиклар, жумладан, камқонликнинг олдини олиш, соғлом фарзандларни дунёга келтириш бўйича қимматли тавсия ва маслаҳатлар бердилар. Гулистонлик аёлларда тажрибали акушер-шифокор Яско Шимада, Жайка мутахассислари Михо Обата, Сато Манами хонимларнинг маърузалари катта таассурот қолдирди.

Тадбир ниҳоясида меҳмонлар ўзлари тайёрлаб келган темир моддасига бой тўйимли пиширириқлар ва япон миллий таомлари билан мезбонларни сийладилар.

Н.АНОРБОЕВ

Ватанпарварлик йўлида

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилоят вакиллиги «Ватанпарвар» кенгаши билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларни жисмонан чиниқтириш, ҳарбий хизматга тайёрлаш учун ҳарбий спорт турлари бўйича вилоят биринчилигини ўтказди. Ғолибларга вилоят вакиллиги ва «Ватанпарвар» кенгаши томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

«Энг яхши китобхон»

Бухоро шаҳар солиқ коллежи талабаларининг маънавий ва маърифий дунёқарашини юксалтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танловнинг амалий қисмида талабалар талқинида ёзувчи Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» асаридан саҳна кўриниши намойиш этилди. Ғолибларга совғалар топширилди.

Б.САИДОВ,
Бухоро вилоят вакиллиги ташкилий ишлар бўлим мудири

Чиқиндидан маҳсулот

Самарқанд шаҳридаги «Фаркармид» илмий ишлаб чиқариш тижорат корхонаси ажойиб янгиликка қўл урди.

Маълумки, лаҳзаларда тўкилган барг-хазонлар кўпчиликка етарлича муаммо туғдиради. Баъзилар тўпланган хазонларга ўт қўйиб атроф-муҳитга зарар келтиришдан ҳам тап тортмайди. Олимларнинг ҳисоб-китобича, бир тонна ёқиб юборилган хазондан 30 килограмм карбонат ангидрид ажралиб чиқар экан. Корхона ана шундай зараркунандани одамлар хизматига йўналтириш йўлини топди.

«Фаркармид» ишбилармонлари ўтган мавсум тўкилган барг-хазонларни тезкорлик билан йиғиб олиб, махсус майдалагич қурилмасида талқон ҳолига келтиришди. Кукун таркибига зарур миқдорда аралашмалар қўшиб қайнатилгач, махсус қолипларда кўмир кўринишидаги маҳсулот тайёрланди.

«Самарқандкимё» очиқ акциядорлик жамияти лабораторияси мудири, кимё фанлари номзоди Рустам Қутфиддинов бошчилигида бу маҳсулот синовдан ўтказилди. Натижалар кутилганидек. Оддий тошкўмирдан 2 фоизгача чиқит қолаётган бир пайтда янги маҳсулот чиқити миқдори кам. Ёнувчанлик даражаси юқори. Боз устига лаборатория синовларида баргхазондан тайёрланган маҳсулот кулининг таркибида калий, фосфор ва бошқа фойдали микроэлементлар мавжуд. Ундан ўғит сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Энг намунали касаба уюшма ташкилоти

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар томонидан эълон қилинган «Энг намунали касаба уюшма ташкилоти» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Энг намунали касаба уюшма ташкилоти» деб топилган Қўшкўпир туманидаги ихтисослашган 4-умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси телевизор, қўмита раиси Баҳодир Қуриёзов эса пул мукофоти билан тақдирланди.

Шунингдек, Урганч шаҳар, Урганч, Шовот, Янгибозор туманларидан ғолиб бўлган касаба уюшма ташкилотларига ҳам рағбатлантирувчи совринлар топширилди.

«Ёшлар йили» Дастур-тадбирларига кўра, ёш касаба уюшма қўмиталари раисларидан 12 нафарига қимматбаҳо совғалар берилди.

А.АТАЖАНОВ,
Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

Фаоллар учун қўлланма

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилоят кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш мақсадида кейинги бир йилда 12 та услубий қўлланма чоп этилиб, қуйи ташкилотларга етказиб берилди. «Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш юзасидан бошланғич касаба уюшма ташкилотлари учун тавсиянома», «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорни тарғиб этиш бўйича услубий қўлланмалар шулар жумласидандир.

Ўз мухбиримиз

Ўзбек маънавиятининг ўз тарозиси бор

Менинг қаричим — меники. Аммо миллатсуяр одамнинг қаричи миллатники, башарсевар инсонники умуминсоний қаричдир. Қачондир бир ота-онадан тўраган башарият ўзини ўзгаларга тенг кўриши керакми? Ё ким ўзарга пойга ўйнаши лозим? Бирлашиши шартми? Ёки бир-бирини (аслида, ўз-ўзини) талаши керак? Нега ҳар бири планета бўлмоққа лойиқ юлдузлар йўналиши бир-бирига халақит бермайди-ю, ўзаги бир бўлган икки одам бир-бирига халал қилади. Миллатсуяр олим, профессор Қозоқбой Йўлдошев билан мусоҳабамизда шулар ҳақида баҳоли қудрат фикр юритишга уриниб кўрдик.

— Модомики, маънавият — одамзод асоси экан, ўз-ўзидан савол туғилади: шу кунга довур тўрга даъвогар миллатдан тортиб сўнгги авлоди-да йўқолиб кетган элат(лар) орасида ўзбек маънавиятининг шаклу шамойили борми? Хусусан, мен ўзбекни серилдиз дарахтга ўхшатаман, илдизлари тарқоқ дарахтга...

— Маънавият — одамзоднинг эмас, одамиятнинг асоси. Одамзод одамий бўлмаслиги ҳам мумкин. Саволингизни «маънавият умумий ҳодиса-ку, уни алоҳидалаш бадбинлик ё маҳдудликка олиб келмайдими?» тарзидаги хавотир маъносида тушундим. Биласизми, миллийлик — бу қиёфа, қиёфасизлик эса — ҳалокат. Яъни, ҳеч ким бўлмаган одам — ҳеч ким эмас. Ҳеч ким бўлмаган одамдан на яхшилик, на ёмонлик кута олмайсиз. Ўзбек бўлиш — бу Дунё олдида ўзбекликка жавоб бериш дегани. Биринчи жаҳон урушида 18 та мамлакат иштирок этган бўлса, қарангки, фақат инглизлардан бирорта ҳам сотқин чиқмаган экан. Зиё Кўкалов бир асарида буни «инглизлар учун одам қадридан ҳам кўра *ватаний ахлоқ* бирламчи эди» дея шарҳлайди. Шу маънода, ҳар қандай одам излаши мумкин бўлган ўзлик ҳамиша қандайдир қиёфага эга бўлади. Айтайлик, сиз ўзбек миллатига меҳр қўйган экансиз, у биринчи навбатда ота-энангиз қиёфасида намоён бўлади. Миллий маънавиятни умумбашарий маънавиятга қарши қўйиб бўлмайди: икковининг илдизи бир. Умуминсоний маънавият фақат миллий маънавиятдан ўсиб чиқиши мумкин бўлган ҳодисадир. Қачонки, ўзга миллатлар-да бизни ҳам ўзларидан кам бўлмаган қадриятга эга этнос эканлигимизни эътироф этсагина, шунда улар билан елкама-елка туриб яшай оламиз. Бошқача айтганда, ўз миллий қиёфамиз билангина умумбашарий мақомот сари йўл олишимиз мумкин. Жуда тўғри айтдингиз, Ўзбек Дарахтининг илдизлари чиндан ҳам тарқоқ. Негаки, оғоч бўлмоқ учун томирлар тарқоқ бўлмоғи, боши юксак бўлмоғи учун у узоқ-узоқлардан озиқланмоғи лозим. Зеро, ўзбек миллати ҳамиша оғочдек юксалмоққа муносиб. Масалан, турк дунёси уч лаҳжадан иборат (қарлуқ, қипчоқ, ўғуз) бўлса, ўзбек учовини ҳам ўзида мужассам этган миллатдир. Мана шу хусусиятнинг ўзи бизнинг қоришиқ эканлигимизни англатади. Шу маънода, киноянгизда катта ҳақиқат бор: ўзбек зиммасидаги масъулият юки анча оғир. Бу — қисмат, қисматни эса ҳеч қачон танлаб бўлмайди. Ўз қисматимиз йўлларидан ўзбек маънавиятини юксак рутбаларда кўтариб ўта оламизми? Лаҳжавий манфаатлардан улуғроқ туриб умуммиллий манфаатлар доирасида ҳаракат қилароқ ўз қиёфамизни асраб қола оламизми? Ҳамма гап шунда. Шу мақомга кўтарилсаккина Парвардигорнинг, Тарихнинг, Вақтнинг олдидаги ўз вазифамизни бажарган бўламиз.

— Миллийлик — шакл, ЎЗлик — моҳият: Бу — аксиома. Бироқ том маънодаги Асл Моҳиятга етиш учун миллийликнинг шаклдор сарҳадини босиб ўтиш керак экан, Комил Инсон шаклланмоғи учун қуршовдаги кенглик кифоя қилармикан?..

— Улуғ миллий илдизларга эга бўла туриб, шулар билангина чекланиб қолмаслик, эҳтимол, катта бир фазилатдир. Аммо билиб қўйинг: инкорнинг ўзи ҳамиша ҳам ҳақиқатга олиб боравермайди. Аксиомангизга унча қўшилмайман: миллийликнинг ўзи — моҳият. Ўзликни излаш ва ўз қиёфасини топиш орқалигина бу моҳиятга етиб бориш мумкин. Дўппи кийиб, белбоғ ўраш ё соқолни уч ҳафта олдирмай юриш — бу ҳали миллийлик дегани эмас. Миллийлик — миллат жавҳари, уни ҳаракатлантираётган ва унга мавжуд қиёфа бериб турган куч. Одам жамоат олдида ўзининг «вазн»и, масъулияти ва шаъни борлигини тушунса, йўқотадиган нимасидир бўлса — миллий қиёфага эга бўлади. Айтайлик, Распутин «Сўнгги муҳлат», «Марина учун пул», «Матриона кенгликларида» сингари асарларида қишлоқлик рус характерини очиб беришга интилиб, «биз учун миллий қиёфа манфаат ортидан югуришдан кўра муҳимроқ» дейди. Дарҳақиқат, ўша маҳаллар айрим руслар қаерда бойиш имкони бўлса, ўша ерга йўл олган бир давр эди. Распутин ана шундан хавотирланиб, «рус туйғуси қишлоқдадир» дея бонг урган ва бу асл миллатсуяр одамнинг гапи эди. Шу маънода, миллийлик фақатгина шаклдан иборат эмас. Биз ҳозирча ўз миллий моҳиятимизни топа олмаган ва уни ташқи кўринишларга боғлаб тушунадиган қавммиз. Ўзбекнинг асл жавҳари нима эди? Мана шу саволни ўзимизга бера оладиган ва шу савол олдида масъулиятимиз борлигини англайдиган мақомда юксала билсаккина, ўзимизни бир миллат бўлаги сифатида ҳис қила оламиз. Ана шундагина Тангри ва Жамият олдида жавобгарликни туямиз. Ана шунда «менинг қилмишим ўзбекларнинг ҳам қилмиши-ку!» деганга ўхшаш туйғу борлиғимизни эгаллайди. Ана шундагина ўз нафси билан курашаётган ва ўз шаънини миллат шаъни, миллат шаънини эса ўз шаъни деб биладиган Комил Инсон шаклланади. Исломда миллат тушунчаси араб ё ўзбекни эмас, мўъминни англатади. Қуршовдаги кенглик эса, албатта, Комил Инсон ҳодисаси туғилиши учун имкон бермайди. Бунга эришиш учун Одам ўз руҳиятини берилганидан ҳам юксакроқ даражага олиб чиқиши лозим.

— Одамзод ЎЗи олдида жавоб бера оладиган Инсон даражасига етишида асосий восита, шубҳасиз, санъатдир. Аммо умуминсоний руҳ миллий қобиқларга сиғмайди-ку! Шу маънода, орзу қилинаётган Ўзбек Адабиёти ва Ўзбек-Инсонни қандай тасаввур қиласиз?

— Санъат нафақат миллий, балки шаръий, руҳоний қобиқларга ҳам сиғмайди. Санъат одамни маҳдуд қилмай, уни юксалтиради. Ҳазрати Машрабни «икки дунё менга сиғар, мен дунёга сиғмарам» дегани учун ҳам осдилар. Ва бу осилиш у киши учун жудолик эмас, қутқарилиш эди. Соддароқ мисол келтираман: «Алпомиш» достони — ўзбек адабиётининг ўзаги бўлса, қалмоқни икки бора забт этиб ҳам ўз руҳини, талабларини ва ўз мафкурасини жорий қилишга уринмаган Алпомиш тутуми — ўзбек маънавиятининг тимсоли. Алпомиш тенгсиз даражадаги ўзбек ҳодисасидир. Ўзбек адабиёти ўзбекнинг биқиқлигини эмас, унинг бағрикенглиги, андишалилиги, мўъминлигини тарғиб этади. Шу даражада бағрикенг ва андишали халқмизки, бу кўпинча зараримизга ҳам хизмат қилади.

«Изм»лар жанги орасида ўз қиёфасига эга бўлган ўзбек адабиёти юзага келиши учун, аввало, ўз жавҳарини англаган ўзбек шаклланиши лозим. Шу маънода, ўзбекнинг ўзини англашини мен башарни англаш деб тушунаман. Бироқ бу барча маънавий ўлчовларимиз бутун дунёнинг мезонлари билан бир хил бўлади дегани эмас. Масалан, Албер Камю наздида одам эрки ҳамма нарсадан устун. Буни тушунмоқ керак. Лекин ўзбек учун ўғил эрки она олдидаги қарзга қараганда баланд туролмайди. Бунга чидаган ўзбек бўлади, чидамаган космополитларга қўшилиб кетаверади. Ўзбекнинг маънавий эрки Камюга халақит бермайди, Камюнинг эрки туфайли ўзбекона қадриятимиздан воз кечмаслигимиз ҳам керак. Зотан, ўзбек маънавиятининг ўз тарозиси бор. Масалан, Тошкентга келган ҳар бир вилоятлик одамнинг уйида бўлмаганда бир-иккита қариндош-уруғи яшайди. Чунки уларнинг олдида бурчлимиз. Мерсонинг эрки шу даражада эдики, унинг сарҳадига ҳатто онаси ҳам сиғмасди. Айни пайтда уни онасининг ҳам ўз ҳаёти, ўз шахсияти, ўз «мен»и бор эди. Ўзбек онасининг эса оиласидан бошқа ҳаёти йўқ. Унинг бори ҳам, йўғи ҳам фақат оиласида мавжуд. Менинг бахтсизлигим ҳеч қачон онамнинг бахтини тўкис қилмайди, унинг бахти менинг бахтсизлигимни ҳеч қачон кемтик этмайди. Шунинг учун онамнинг олдида бурчлиман. Ва энг муҳими, мен Мерсога ақл ҳам ўргатмайман ва айни пайтда Мерсо эмаслигимдан хижолат ҳам чекмайман. Зеро, бу икки маънавият ёнма-ён яшашга ҳақли.

«Қуръони Карим»нинг Руҳ ҳақидаги оятларининг бирида айтиладики, «Эй Муҳаммад, сиздан Руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтингки, Руҳ фақат Яратувчига хос ва сизларга тушунтириб бўлмайдиган ҳодисадир». Расулуллоҳгаки тушунтириш мумкин бўлмаган ҳодисани шарҳлашга уриниш чираниш бўлади. Маънавият руҳий ҳодисадир. У ҳеч қачон битта таърифга бўйсунмайди. Агар у битта таърифга тушган бўлса, маънавият эмас. Бундан кейин ҳам одамлар ўзгаради ва маънавият тушунчаси ҳам ўзгачароқ қиёфани олиб бораверади. Одамий маънавиятки ўзгарувчан ҳодиса экан, адабиёт ҳам бу жараёндан четда қолмаса керак.

— Башарий маънавият ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик. Айтайлик, эгоцентризм ва космополитизмни оммавий тарзда тарғиб этишга кўтчилик қарши чиқади. Лекин диний асарларда ҳам одамга ўз(лик)ини ўзга(лик)дан устун қўйиш эмас, балки барча руҳлар бирлашажак маъвога талпиниш ҳақида эслатилади-ку! Миллийликка ҳаддан ортиқ берилиш — башариятни турли фронтларга бўлиб юбормасмикан...

— Эгоцентризм — дунё марказида мен турибман, бутун дунё фақат менга хизмат қилиши керак, дегани. У одамга хизмат қилиши мумкин бўлган қадриятларнигина тан оладиган тушунчадир. Космополитизм эса ўзганинг ялоғида сергўштроқ суяк бормикан деб илинжланиш кабидир. Космополитларни ўз илдизларидан воз кечган ва шундан ҳеч ҳам хижолат чекмайдиган, Гулчеҳра бўлатуриб Гулечка, Ойдин бўлатуриб Олялиги билан фахрланадиган бечоралар деб тушунаман. Шу маънода, икковининг ҳам сиз орзу қилаётган *башарий маънавият*га умуман дахли йўқ. Башарий маънавият — башарият олдида жавобгарлик дегани ёки бошқача айтганда, ҳар бир хатти-ҳаракатини башариятга ҳам тегишли деб биладиган одам маънавиятидир. Буни англаш учун аввало миллий маънавиятни билмоқ керак. Сайфи Саройи «Гулистон бит туркий» асарида бир ривоят келтиради: Мусулмон ва жуҳуд дўст тутинади. Улар чўлда кетаётган бўлишади: мусулмон — отлиқ, жуҳуд — пиёда. Анча йўл босишгач, мўъминнинг пиёда кетаётган дўстига раҳми келиб, ундан отига миниб олишни сўрайди. Жуҳуд отга мингач, устма-уст қамчи босади-ю, муслимни чангда қолдириб кетади.

Уларнинг иккови ҳам ўз маънавиятига зид иш қилмади: мусулмон учун ўзгани-да ўзига тенг кўриш — маънавий ахлоқ бўлса, жуҳуд учун ўз манфаати бирламчи эди. Сайфи Саройи ҳам жуҳудни эмас, дўст танлашда янглишгани учун мўъминни айблайди. Шундайин, аввал ўзбек(лар) учун жавобгарлик туяётган одам энди бошқа миллатлар учун ҳам масъулият ҳис қилади. Миллий маънавият умумбашарий маънавиятга элтувчи йўлдир. Айтайлик, аввало ўзбек манфаати доирасида ҳаракат қиладиган даражага юксалолмасам, билингки, ҳеч қачон Данте, Гёте, Байрон манфаати даражасига кўтарила олмайман. Бунинг учун пичоқни аввал ўзимга уриб кўришим керак. Космополитда ҳам, эгоцентристда ҳам бундай оғриқ бўлмайди. Миллий ва умумбашарий маънавият пичоқни ўзига уриб кўрганлар маънавиятидир.

Суҳбатдош:
Умид ЯЪҚУБОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳар қандай савол «ҳа» ёки «йўқ», ҳар қандай борлиқ мавжуд ёки номавжудлик, ҳар қандай ҳақиқат тасдиқ ёки инкордангина иборат.

Нажот — маърифатда

Қадим замонда мамлакатдаги бир авлиёнинг қудрати, шуҳратидан гапириб, Эрон шоҳининг қалбини ғулғулага солишибди. Подшоҳ ҳузурига чорлаб кўрсаки, бошига тож кийдирса, залворидан бўйни танасидан узилгудек нотавон бир мўйсафид. Қудрат ва салтанат кучини билган подшоҳнинг ҳажв завқи келиб сўрабди:

— Биз нима еяётирмиз?

Донишманд дебди:

— То сизда экан у ҳеч нарсадир, сизни тарк этгач, балким олмадир.

— Айнан акси. Бизда экан у олма, бизни тарк этгач, ҳеч нарсадир, — дея шоҳ олмани еб қўйибди.

— Қўлингизда нима бор? — сўрабди чол.

— Ҳеч нарса.

— Демак, еганингиз ҳеч нарсадир. Ичингизда олма борлигига ҳам исбот йўқ.

Шоҳнинг жаҳли чиқибди.

— Мени тарк этгач, олма бўлишига сенинг исботинг борми?

— Сизни тарк этганда, у нажас бўлади, сўнгра тупроқ жинсига киради, дарахт бўлиб унади, олма бўлиб етилади...

Жавоб шу қадар оддий эди, аммо шоҳнинг кўз олдига келган ҳақиқатдан кўнгли ағдарилибди.

— Еганимиз қачонлардир ейилган, ичганимиз қачонлардир ичилган...

— Балки. бундан ҳам ортиқ, — деди донишманд. — Еганимиз ҳар луқма қайсидир шоҳнинг тож кийдирилган боши, ичганимиз ҳар коса май қайсидир гадонинг хун тўла жигаридир.

Бу сўзлар таъна ва таҳқирдай эшитилибди шоҳга.

Донишманд хотиржам давом этибди.

— Менинг нафасим билан кесишган шамол Одам Атонинг нафаси билан ҳам кесишгандир. Бу дунёда тупроққа сингмаган бирор вужуд, қабр кўрмаган бирор сиқим тупроқ йўқ.

Шоҳ ғоят содда ҳам ўта ҳайбатли мушоҳада эгаси қаршисида ҳайрон қолибди.

— Сен билан менинг жавобимни фарқлаган нима?

— Маърифат, — дебди валий. — Сиз аввал кўрасиз, кейин биласиз, сўнгра англайсиз. Тафаккурнинг бу босқичи ҳар биримизга хос. Яъни аввал теваракни кўрамиз, кейин ашёлар хоссани ўрганамиз, билим оламиз, сўнгра билганимизга оид ҳар нарсани англаймиз. Шу билан кифояланамиз. Чунки ундан у ёғини вақт ва замон идора этмайди. Вақт ва замондан ташқари чиққан инсон эса замонларни, маконларни, коинотни кўра бошлайди. Ориф англайди, сўнгра биладди, ундан кейин кўради. Яъни ашёларни хусусиятига кўра англайди, кейин мушоҳада билан уларнинг аслиятини билади. Ҳеч бир нарсанинг асл моҳияти унинг кўринишига айнан мос келмайди. Ҳақиқатларни билгач эса дунёни, инсонларни, замонларни қайтадан кўра бошлайди. Бу худди кекса киши ёш боланинг қоқилиб йиқилгандан эмас, меҳр ва эътибор, ё бирор нарса илинжида йиглаётгани сабабини аниқ билиб турганидир. Ва ёки ёш бола ҳам тундан кейин тонг отишини билгани каби.

Шоҳ билакнинг, мол-мулкнинг, Эрондек улкан салтанатнинг ва лашкарнинг қудратини биларди, бироқ мункиллаган кекса бир донишманднинг маърифати қаршисида мунғайиб турарди.

Маърифат ана шундай қудрат. Дунёқараш бу — дунёга қараш дегани. Дунё биз уни кўришимиз, идрок этишимиз учун яратилган. Маърифат кўзи билан дунёни кўриш эса каромат дейилади.

Авлиё ёки каромат ҳақида сўз кетганда, одатда, фавқулодда инсонларни ёки сеҳр-жодуга яқин ҳодисаларни тасаввур қиламиз. Аслида, каромат нима?

Пайғамбарлар мўъжиза кўрсатганидек, авлиёлар каромат кўрсатадилар. Кароматнинг икки хили мавжуд. Биринчи, маънавий-ҳақиқий каромат, яъни илм, ирфон, ахлоқ ва ибодат орқали эришиладиган юксак фазилату ҳолатлар. Иккинчи, кавний-шуурий: сув юзида юрмоқ, оловда ёнмаслик ва ҳоказо. Валийлар кейинги кароматни Оллоҳнинг нозик ҳийласи деб билиб, ундан қўрққанлар.

Жалолиддин Румий назарида «Агар киши бир ердан бир онда Каъбага етишса, ҳайрон қолишнинг ҳожати йўқ ва бу каромат эмас. Самум шамолининг ҳам қўлидан келади бу иш. Каромат сени тубан ҳолдан юксак ҳолга келтиришдир».

Инсонни тубан ҳолдан юксак ҳолга келтира оладиган каромат бу чумолининг Сулаймон алайҳиссаломга танбеҳи эди.

— Раббим менга шамолни мусаххар қилди. Одамлар Астхардан Шомга бир ойда борурлар ё келурлар. Мен кунда борурман ҳам келурман», — деган пайғамбарга чумоли: — Ундан кўра маърифатнинг маркаб(эшак)ига минсанг бўлмасмидики, лаҳзада Аршга етгай эрдинг, — деган ишорасида улкан ҳақиқат яширинган.

Маърифат — кичик ёшдан орттириладиган билим, борлиқ ва инсондан олинган ибратлардан кўра мураккаброқ шаклдаги илм. Маърифат мукаммаллашиб боргани сари ҳаёт, одам ва олам ҳақидаги тасаввурлар ойдинлашиб, ҳодисалар соддалашиб бораверади. Ҳар бир нарсанинг ҳақиқий маъно-моҳияти очилиб боради ва маънавият улкан қудратга айланади.

Маърифат болаликдаги таълимдан бошланади. Бугун фарзанди пастроқ баҳо олса, кўнгли оғриши ёки «обрў»си тушишидан хавотирланиб, ўқитувчига алоҳида «иззат-эътибор» кўрсатадиган ота-она, аслида, фарзандининг фожиасига хизмат қилаётган қотил. Бугун билимсизлиги оқибатида янада билимсиз бўлиш учун пул чўзаётган талаба, аслида, ўз шахсияти ва журъатига эга бўла олмаган нотавон. Кимнингдир ҳиммати-га қараган таъмагир, башанг кийинган тиланчи. Бу учала тоифа эртани кўришдан ожиз, жамият ва инсониятни қурбон қилувчи хаста жигардир. Энг оғир йўл бу — тўғри йўл, ҳақ йўлидир. Баъзан ҳатто ўткир билим ва кучли эътиқод ҳам инсониятнинг улкан фожиаларига сабаб бўлиши мумкин. Фақат тўғри, ҳақ маърифатгина замон ва эътиқодлардан қатъи назар нажоткор бўлиши мумкин.

Дилором ҲАМРОЕВА,
филология фанлари номзоди

Хиргойи

(Ўзбек масалчиларига дахли йўқ...)

Бошим (ҳа-ҳа, ўша маълуму машҳур журналист, ёзувчи (ёхуд ёзғувчи), бештакам академик ва шоир Ушлаб Юлар томонидан хом ошкадига менгзалган каллам) ўз ташбеҳини оқлаш ниятидами, ким билсин, чиндан-да ичи бутун қовоқдай оғирлашиб кетди. Асли бунчалар барвақт кўз очиш ният йўқ эдикуя, соат бемаврид қичқириб қолди. Улуғлар демишларки, бемаҳал қичқирганни тилкалангиз, деб. Ҳикматга риоя қилиб, деворга соат шамойилини жойласакми деб эдигу, рақам жониворга кўз тушиб қолса денг. Мил қурғур 10 га қараб диконглаётир. Оббо. Биринчи пара Ушлаб Юлардан имтиҳон эди-ку!

Яшин тезлигида турдим. Ўша спорт формани сақлаб кийиндиму, юз ювишни қазо қилган ҳолда чўнтакка «зачётка»ни тиқиштириб (пулларим 100 сўмлик эди) тўзғин сочларимни тарошлаб, эзғин фикрларни қувалаб, қайдасан-а зўрлар майдони, дея факультет сори йўл солдук.

Автобус ҳаммом ила беллашар, вақт ўтказиш ниятида унинг ойнасига қараб, табиий табассум қилишни машқ қилардим. Жуда оқибатсиз талабаман-да, ўзиям. Ушлаб Юларнинг лоақал битта масалини ўқиб ҳам қўймадим-а. Сўраб қолса... Э, ё остидан ё устидан.

Факультет дарбозасида Ушлаб Юларнинг содиқ шогирдларидан бири, курсдошимиз Туфлаб Турар паришонҳол сигарет тутатар эди. Авзойи бузуқлигидан яна шиғир қоралаганга ўхшайди. У мени кўриб «сезимларимни беринг», — дея хитоб қилиб юборди. Шошиб чўнтак кавлашга тутиндиму, ногоҳ қаршимдаги Туфлаб Турар эканлиги эсимга тушди. Башоратим чин бўлиб чиқди. У кекириб шеър ўқимоққа киришди:

сезимларим қайтариб беринг
улар менсиз яшолмайдилар
мен Осмонни алдашим керак...

— Осмонда нима гуноҳ? — ноилож «эъжод»ларига муносабат билдирдим.

У ҳуштак чалиб юборди:

— Менинг шеъримни англашингиз учун ҳали кўп йўл босишингиз керак, оғайничалиш. Мен — сезимлар шоири. О, модернизмни сен тўнкалар қаёқдан ҳам тушунардинг. Менинг эъжодим...

— Домла баҳо қўйяптима? — гапни бурдим.

— О, ташвишларинг дунёқарашларингдек майда, — пўнғиллади у. — Мени зарра қизиқтирмайди улар. Само... О, менинг қайрилган қанотларим!.. Учиш керак, учиш!!.

— Учишми ё учиб қолиш? — дедим унинг қийшиқ бурнидаги хуснбузарига термулиб. Туфлаб Турар жавоб ўрнига шиғир ўқимоққа киришди:

мен булутни тун бўйи ўпдим
миноралар қулунладилар
киприкларинг бунчалар олис...

Ичкарига йўналдим. Аудитория хийла гавжум эди. Кечикиб келганимни кўрган Ушлаб Юлар чийиллади:

— Не мешай-а, не мешай. Киради, чиқади. Киради, чиқади. Ахир, эъжодий кайфиятда келганман. Бунақа аҳволда синай олмайман. Мен эъжодкорман, ахир.

Рўпарасида ўтирган Жумагул эса бошини тинимсиз ликкиллатиб унинг гапини тасдиқлар эди. (Домла «5» қўйишни чўзаяпти шекилли). Аммо гап эшитди, барибир.

— Нима лик-лик, нима лик-лик? Контужень что-ли?!. Ффу. Какая тупая, а. Тек ўтир, ҳайвон. Рўпарангда бўлажак академик ўтирибди. Э, сен нега ҳадеб тиржаяверасан, Турдиев. Маймун...

Аудиторияда енгил кулгу кўтарилди. Домла баттар тутақди:

— Нима ҳиринг-ҳиринг? Нима ҳе-ҳе-ҳе?!. Нима хо-хо-хо?!. Ҳаммаси касал. Ёппасига зоопаркка ҳайдаш керак. Э, воҳ!.. Миллат тақдири шуларнинг қўлида.

Турдиев ҳамон ҳайитда янги иштонли бўлгандай шодон тиржаярди, негадир. Ёнига чўкдим.

— Ишлар қандай, Ҳамқишлоқ. (Тишининг оқини ҳисобга олмаганда уни баҳузур ҳабаш деб ўйлаш ҳеч гап эмас, барчамизга «земляк» бўлмиш бу шоввознинг башараси эса турли лутфу аскияга пайров эдики, «ота-энанг сени светной қилиб ишлаймиз деб куйдириб қўйишган», — дея ҳазиллашардик.)

— Ўртача. («Нормально» сўзини таржима қилгани.)

— Ушлаб Юлар не дейди?

— Китоб сотаётир.

— Чан пул?

— Ўзига қараб-да.

Оббо. Дард устига чипқон. Орқага ўгирилсам, курс оқсоқоли бир партани ишғол этганлар. Олдилари — китобзор: Ушлаб Юларнинг ҳамма нарсага оид асарлари мужассам.

Энди тураётсам, Ҳамқишлоқ шивирлади:

— Қоғози юмшоғидан ол.

Оқсоқол шарифимизни рўйхати муборакка тиркай туриб, масаллар тўпламини тавсия қилди:

— Олинг. Яхши китоб. Арзон.

— Қанча?

— Тўрт минг.

Ол-а. Яна 400 сўм қўшсам, 4 шиша «Сарбаст» олардим-а. Ҳеч қолса беш юзини учириш ниятида умидвор сўрадим:

— Бошқаларичи?

— Вай, ман сизга энг арзонини этди-и-и-и-му-у-у...

— Бўпти-бўпти, манг...

Бориб навбат кута бошладим. Ушлаб Юлар... йўғ-е, тилимга терсак чиқсин, Ҳазрати Усто-о-о-о-знинг табаррук тилларида юмдаланган номим жарангларкан, қаршиларига чўкдим. Озгина мўлтираш, табассум аралаш озгинча уят юзимга тепди: айб иш қилиб қўйгандек гўё.

— Ҳмм. То-о-о-пилдиев Йўқолмасинбой. Аҳ-ҳа, какая прекрасная имя! Но... маза йўқ-ку, ошна. Олифталик қилиб юргунча ўқиш керак. Тинимсиз изланиш, мақсад томон интилиш лозим. Китоб олдингизми? Қани-и?.. Ия, «Калиш ва Пайпоқ»?!. Сизнинг саводингиз пастроқ, ука. Дунёқарашингиз ҳам... Хўш-ш... Мени «Сайланма»мни ўқиб чиқинг, зора савиянгиз ошса... Ҳа, нега юзимга бундай тикиласиз?.. Томошақовоқманми сизга?.. Ё, ўзингиз айтинг: Зарилми менга?!. Китоб олиб кел. Тарқат. Ффу... Мақсад — сенларни одам қилиш. Сажияларингни, тоис, савияларингни кўтариш. Ҳей, стариста, бу болага «Сайланма»нинг икки томидан ҳам беринг. Шояд яна бир кадр билан бойисак... Боринг, ошна...

Гарангсиб тураётсам, Ушлаб Юлар яна чинқирди:

— Рейтинг дафтарчани бер, тўнка. Э, воҳ. Мендай такрорланмас талант кимларга дарс беришга мажбур-а!..

Қўлтиғимда китоб, чўнтакка бемалол жойлашган «зачётка» билан аудиториядан чиқар эканман, чўзиб ҳуштак чалдим. Деканат ёнидан ҳуштакнинг кетини узмай ўтарканман, хиргойи қилиб юбордим:

— Ким олади-ё, шугинани-ё...

ҚУШҚЎНМАС

Асл санъат ўлмайди



Урганч маданият ва санъат коллежига хоразмликлар алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўладилар. Боиси Ортиқ Отажонов, Раҳматжон Қурбонов, Оғабек Собиров, Гавҳар Матёқубова каби ўнлаб ўзбек санъатининг забардаст вакиллари айнан шу гўшада таҳсил олганлар. Коллеж директори Дурдибой КАРИМОВни элдошларимиз санъат билимдони ва фидойиси сифатида ҳурмат қиладилар. У киши билан суҳбатимиз ўқув даргоҳининг бугунги фаолияти, санъат ва санъаткорлар олдидаги долзарб масалалар ҳақида борди.

— Таълим масканимиз ҳақида сўз очганда, 1962 йили Харратов номли мусиқа билим юртини ташкил қилишда фидойилик кўрсатган ва унга узоқ йиллар раҳбарлик қилган бастакор Раҳмон Олломберганов номини тилга олмасликнинг иложи йўқ, — дейди Дурдибой оға. — Кейинчалик у кишининг анъаналарини Матниёз Юсупов, Шариф Отажонов каби устозлар маҳорат билан давом эттирдилар. Айнан уларнинг ва ўқув юртида сабоқ берган кўплаб устозларнинг изланишлари туфайли ушбу даргоҳ нафақат истеъдодли хонандаю созанда, раққосаларни, балки кўплаб санъат билимдонларини тарбиялашга муваффақ бўлди. Эндиликда собиқ талабаларимиз орасида дунёдаги улкан санъат илмгоҳларида ўзбек миллий мусиқасидан сабоқ бераётган олимлар борлиги билан фахрланамиз. Улардан бири, Туркия консерваториясида сабоқ бераётган Аминбой Сапоев коллежимиз билан доимий алоқада. Кўплаб собиқ талабаларимиз Америка, Европадаги консерваторияларда таҳсил олиб, жаҳон мусиқасини ҳам пухта ўрганди. Мамлакатимизнинг мусиқадан сабоқ берувчи барча ўқув масканларида билим юртимизни тамомлаган санъат билимдонларини учратиш мумкин.

Собиқ талабаларимиз тақдири ҳар доим диққат-эътиборимизда. Равшан Матёқубов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини олганда, Муродбек Қиличев «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлганда, Миркарим Каримов, Азамат Отажонов, Очилбек Матжоновлар Ўрта Осиё мақомчилар танловида ғолиб чиққанида ва яна кўплаб муваффақиятлар қайд этилганда, коллежимиз ўқитувчию талабалари бирдек қувонган.

Мустақиллик шарофати билан билим юрти маданият ва санъат коллежига айлантирилди. Нуфузи ортиб, имкониятлари кенгайди. Бугунги кунда мингдан зиёд талабалар анъанавий ижро, ўзбек халқ чолғулари, пуфлама ва зарбли чолғулар, халқ рақслари, драма ва кино актёри, мусиқа назарияси, ранг-тасвир, кутубхонашунослик йўналишларидан сабоқ олмоқда.

2007 йили республика ёш ижрочилар танловида саккиз ўқувчимиз ғолиблар қаторидан жой олди. Олий ўрин соҳибаси бўлган Дилафрўз Хожихонова эса Тошкент давлат консерваториясига тест синовларисиз қабул қилинди.

Бизнинг ниятимиз талабаларни чинакам санъат фидойилари қилиб тарбиялаш, халқимизнинг асл санъатга бўлган чанқоғини қондира оладиган санъаткорларни тайёрлашдир.

— Домла, мумтоз санъатимизни асл ҳолида келажак авлодга етказиш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу хусусда кенгроқ тўхталсангиз.

— Аслида бу фақат коллежимизга тегишли вазифа эмас. Санъат минг йиллар давомида шаклланиб келаётган, миллатимизнинг дунёқарашини, урф-одатларини, ўзлигини ифода этувчи восита.

Абдулла Орипов «Муножот» куйи ҳақидаги шеърини «Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига қандай чидай олган экан одамзот» деб якунлайди. Куй, қўшиқ, рақс, умуман санъатнинг барча турлари тарихий ҳужжатлардан ҳам мукаммалроқ маълумот бера олади. Санъат асарлари ўзида энг улкан ҳақиқатларни жамлаган бўлади.

Айтишларича, хон Феруз қиркдан зиёд чолғу асбоблари жўрлигида куй тингларкан, қайси ижрочи хатога йўл қўяётганини дарров илғаб, унга танбеҳ бераркан. Ахир, чолғучининг биргина хатоси мумтоз мусиқанинг нуфузига таъсир қилади, ундаги асл маънони ўзгартириб юборади. Бизнинг устозларимиз ҳам талабалар ижросини шундай зукколик билан кузатадилар, ҳар бир чолғунинг энг инжа сирларини маҳорат билан ўргатадилар.

Хабарингиз бордир, дунёда иккита нота ёзуви мавжуд. Уларнинг бири европа нота ёзуви бўлса, иккинчиси эндиликда ўзбек нотаси деб юритилаётган хоразм танбур чизиғидир. Ушбу нота ёзувини ўрганишга дунё аҳолисининг қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Умуман, дунёда бизнинг мумтоз ашулаларимиз, куйларимиз санъатнинг энг ноёб дурдоналари сифатида тан олинган. Улар ер юзидаги кўплаб мусиқа ўқув юртларида ўргатилмоқда. Шундай экан, отабоболардан мерос миллий қадриятларимиз — мумтоз қўшиқларимиз, мақомларимиз, Бухоро шашмақомлари, Тошкент, Фарғона чормақомларини ўрганиб, уларни аслича сақлаш ва кейинги авлодга етказиш бизнинг зиммамиздаги қарздир.

— Бу қарзни адо этиш кишидан нафақат жонкуярлик ва фидойилик, балки улкан билим ва истеъдод ҳам талаб қилади, шундай эмасми?

— Билим ҳақида тўхталганда, юрагимдаги баъзи оғриқлар уйғонгандай бўлади. Гоҳида ойнаи жаҳонда ёки матбуотда баъзи ёш хонандаларнинг санъаткор бўлиш учун билим керак эмас, истеъдоднинг ўзи кифоя деган гапларини эшитиб қоламиз. Бу мутлақо нотўғри фикр. Бу билим нималигини билмайдиганларнинг фикридир. Нота нималигини билмайдиган, қайси чолғу асбоби қандай садо чиқаришини тушунмайдиган қўшиқчини хонанда деб эътироф этиш мумкинми?

Биз коллежимизда бахшичилик, халфачилик йўналишларидан сабоқ беришни йўлга қўйдик. Мақсадимиз, халқимиз халфаман деб гармон кўтариб маъноли-маъносиз нарсалар айтаётганлар билан ҳақиқий халфачилик санъати орасидаги улкан фарқни билсин, Ожиза, Назира халфалар анъаналари давом этсин. Бахшиман деганлар халқ достонларини бузиб, узиб-юлиб куйламасинлар, уларни аслича халқимизга тақдим қилсинлар, эл бундан завқ олсин.

— Санъат, айниқса, мусиқа ва қўшиқ нафақат ҳордиқ манбаи, балки энг улкан тарбия қуроли саналиб келинган. Аммо кейинги йилларда санъатнинг тарбиявий аҳамияти йўқолаётгандек...

— Ҳали айтганимдай, саёз қўшиқлар яратаётган, маъноли-маънисиз куйлаётган, қўшиқ нималигини ўзи билмайдиган қўшиқчилар борлиги тўғри. Улар халқимиз маънавиятига, ёшлар тарбиясига дахл қилишга уринишяпти. Аммо чиранма ғоз, ҳунаринг оз, деганларидек, бундайлар ҳеч нарсага эриша олмайдилар. Орамизда улкан санъат дарғалари, буюк санъаткорлар кўп. Уларнинг издошлари ҳам кўплаб етишиб чиқяпти. Биз ҳақиқий санъат нималигини биладиган, санъатнинг энг асл дурдоналаридан баҳраманд бўлиб тарбияланган халқмиз. Демак, сохта санъаткорларга алданиб қолмаймиз, уларнинг беъмани ҳаракатларини деб минг йиллик қадриятларимиздан воз кечмаймиз.

Санъатнинг тарбия қуроли эканлиги рост. Киши руҳиятига куй, қўшиқчалик тез таъсир қиладиган куч йўқ. Балки бу жон танамизга куй кўмагида кирганлигидандир. Санъат бор жойда фиску фасодга ўрин қолмайди. Санъат бор жойда яхшилик, қувонч ва шодиёна нафасини сезамиз.

Атрофи саранжом-саришта, боғу гулзорга бурканган истаган ҳовлининг дарвозасини очсангиз, бу уйдан мусиқа садолари эшитилади.

Ҳалол-ҳаромни фарқламайдиган кишиларнинг биронтаси асл санъат ҳақида тушунчага эга эмас.

— Кейинги йилларда санъат шоу-бизнес деб аталмоқда. Бу савиянинг бир қадар пасайишига олиб келмасмикин?

— Бошланғич даврида шундай бўлиши мумкин. Аммо миллий эстрадамиз юксалишига улуш қўшаётган, уни дунёга танитаётган ёшларимиз кўп. Уларга тасанно.

Аммо ўзлари қофияси келишса бўлди деб маъноларини тушунмайдиган сўзларни йиғиб, чет эл мусиқасига мослаштириб куйлашлари бу эстрада эмас, бу умуман санъат ҳам, шоу-бизнес ҳам эмас. Бизнес — рақобат майдони. Демак, бу рақобатда фақат истеъдодлилар ғолиб чиқади.

Халқимиз санъатга бўлган беқиёс меҳри туфайли санъаткорларни улуғлайди. Уйининг тўридан жой беради. Ҳатто ўзи емаган тансиқ меваю таомларни унинг дастурхонига тортиқ қилади. Демак, санъаткорман деган киши бунинг қадрига етиши керак. Мен қўшиғи ўзидан кейин яшаб қолмаган ҳофизни ҳофиз санамайман, чизган расмини, яратган саҳна асарини ҳайрат билан томоша қиладиган бирон киши топилмаган рассом ёки драматургни ҳам. Шоу-бизнес ҳам фақат кучлиларни тан олади. Фақат интилувчанлар, билимли ва истеъдодлиларгина санъат чўққисини забт эта оладилар, шоу-бизнесда шуҳрат топадилар.

— «Ishonch» муштарийлари орасида собиқ талабаларингиз, Хоразм санъатининг мухлислари кўпчиликни ташкил қилади. Уларга эзгу тилакларингиз?

— Ёшлар йилида ёш авлодга эътибор ҳар доимгидан ҳам ортди. Ёшларимиз ушбу имкониятлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилсалар, айни муддаодир. Яна бир истагим, бемаза қўшиқлар тинглашни тўхтатиб, асл санъат дурдоналаридан баҳра олишсин. «Агар эшитгувчи тингласа, қайси ғазалхон куйламас» дейди Шерозий. Асл санъатга интилсак, қўшиқчиларимиз уни бизга албатта тортиқ қиладилар.

«Ishonch» мухбири
Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
суҳбатлашди

Ҳуқуқини билган ютқазмайди

Ishonch
2008 йил 29 май / № 66 (2479)

Таҳририятимизга муштарийлар иш берувчининг ходимга етказган зарарини ундириш юзасидан кўплаб саволлар билан мурожаат қилишди. Шунинг учун «Ҳаёт ва қонун» саҳифасида мазкур масалага оид ҳуқуқий маслаҳатлар бериб боришни лозим топдик.

Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қандай норматив ҳужжат билан тартибга солинади?

Ушбу масалага доир ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Қоидалар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Иш берувчи ходимга етказган зарари учун қандай ҳолларда жавобгар бўлади?

Иш берувчи иш берувчининг ҳудудида ва унинг ташқарисида, шунингдек, иш берувчи берган транспортда ишга келиш ёки ишдан кетиш вақтида ходимнинг соғлигига меҳнат жароҳати билан етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Иш берувчи, меҳнат жароҳати ёки бошқа меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ равишда ходим соғлигига етказилган зарарни, агар у етказилган зарар учун ўзининг айбдор эмаслигини исбот қила олмаса, ходимга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Қандай меҳнат жароҳати иш берувчининг айби билан содир этилган ҳисобланади?

Иш берувчи томонидан ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика чоралари ҳамда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш тадбирлари таъминланмаганлиги (меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, саноат санитарияси қоидалари ва шу кабиларга риоя қилмаслик) туфайли олинган меҳнат жароҳати унинг айби билан содир этилган деб ҳисобланади.

Қандай ҳужжатлар меҳнат жароҳати учун иш берувчининг айбини тасдиқловчи далил ҳисобланади?

Қуйидаги ҳужжатлар меҳнат жароҳати учун иш берувчининг айбдорлигини ёки жавобгарлигини исботловчи далил бўлиши мумкин:

бахтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси;

бахтсиз ҳодиса ва ишлаб чиқаришда соғлиққа етказилган бошқа хил шикастлар тўғрисида далолатнома;

суд қарори;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, соғлиққа етказилган зарар сабабларини назорат қилишни амалга оширувчи давлат меҳнат техника инспектори ёхуд бошқа мансабдор шахслар (органлар)нинг хулосаси;

касб касаллиги тўғрисида тиббий хулоса;

айбдор шахсларга маъмурий ёки интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарор;

касаба уюшмаси қўмитаси ёки корхона ходимларининг бошқа ваколатли органи қарори.

Келишмовчилик пайдо бўлганда ёки иш берувчи зарарни тўлашни рад этганда, ушбу масала қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан ҳал қилинади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимлар соғлигига етказилган бошқа шикастларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби ҳукумат томонидан белгиланади.

Жабрланувчининг эҳтиётсизлиги зарарнинг тўлов миқдорига таъсир қиладими?

Ҳа. Жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги зарарнинг келиб чиқишига ёки унинг кўпайишига сабаб бўлган тақдирда, зарарнинг тўлов миқдори суммаси жабрланувчининг айбига қараб камайиши мумкин, лекин камайиш эллик фоиздан кўп бўлмаслиги лозим.

Жабрланувчининг қўпол эҳтиётсизлиги туфайли ҳамда иш берувчининг айби бўлмаган ҳолларда, иш берувчининг жавобгарлиги, айбидан қатъи назар (яъни унинг меҳнат вазифаларини бажаришда юқори хавфли манбалар томонидан ходим соғлигига етказилган зарар), зарарни тўлаш суммаси жабрланувчининг айбдорлиги даражасига қараб камайиши ҳам мумкин, лекин камайиш эллик фоиздан кўп бўлмаслиги лозим. Бунда зарарни тўлашдан бош тортишга йўл қўйилмайди.

Жабрланувчининг айбдорлиги даражаси корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа ваколатли органи қарори билан, мазкур масала бўйича келишмовчилик пайдо бўлганда эса суд томонидан белгиланади.

Жабрланувчининг меҳнатга лаёқатсизлик даражаси ким томонидан белгиланади?

Жабрланувчининг меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик даражаси Тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади.

Касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражасини белгилаш билан бир вақтда, ТМЭК асослари мавжуд бўлганда, ногиронликнинг тегишли гуруҳи белгиланади ҳамда жабрланувчининг қўшимча ёрдам турларига бўлган муҳтожлиги аниқланади.

Энг кам ойлик иш ҳақининг оширилиши муносабати билан тўловларни қоплаш суммаси ҳам ошадими?

Ҳа. Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори оширилганда соғлиқнинг шикастланиши билан боғлиқ зарар ёки боқувчисининг вафоти билан боғлиқ равишда бериладиган йўқотилган иш ҳақи, бошқа тўловларни қоплаш суммаси энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг оширилган суммасига мутаносиб равишда кўпайтирилади.

Меҳнат жароҳати олгандан кейин меҳнат муносабатларини тўхтатиш зарарни тўлашдан озод қиладими?

Йўқ. Озод қилмайди.

Жабрланувчига етказилган зарарни қоплашда қайси манбалардан фойдаланилади?

Қуйидагилар жабрланувчига етказилган зарарни тўлашда суммани тўлаш манбалари ҳисобланади:

бюджет ташкилотлари ва муассасалари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат бюджети маблағлари;

бошқа иш берувчилар учун ўз маблағлари.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

? Мукофот пули ва маош

1. Мен етакчи кутубхоначи бўлиб ишлайман, бизларга устама ҳақи бериладими?

2. II гуруҳ болаликдан ногиронларга даромад солиғи ва ҳар хил йиғимлар ушланадими?

3. II гуруҳ болаликдан ногиронларга касаллик варақасига тўланадими? Тўланса қанча фоиз?

4. Мукофот пуллари ойлик маошга қараб чиқариладими ёки иш стажига қарабми?

5. Қандли диабет нафақахўр маҳалла томонидан ёрдам пули олишга ҳақлими?

Р.АХУНОВ,
Тошкент вилояти

!

Ёзувчи Антуан Сент-Экзюпери ўзига умр бўйи қалбида жунбушга келган туйғулар уммонини бостира оладиган, уни тинчлантира оладиган рафиқа излади. Аслида эса у бахтини ана шу туйғулар тўфонини баттар оширадиган, ташвишларини неча юз баробар кўпайтирадиган аёлдан топди. Аммо адиб севган Консуэло тежамкор эмасди. Консуэло адибга у орзу қилган фарзандларни ҳадя қила олмади. Шундай эса-да, уларнинг орзулари мислсиз эди. Улар ҳаёт шеъриятини қанчалик нозик идрок эта олардилар! Ҳа, Консуэло тансиқ таомлар билан эрини сийлаб, турмушларини осойишта масканга айлантира оладиган биз тасаввур қилган оддий аёллар тоифасига кирмас эди. Аслида эса... ёзувчи кундалик турмушнинг оддий, хира манзарали кунларидан жуда чўчир эди.

Консуэло эса адиб чўчиган ана шу қўрқувни пучга чиқарди! Аёл ўзининг турли қилиқлар, ҳаракатлари билан биргаликдаги оддий турмушларини безади. У адибнинг ижоди устида қанчалик қайғурар эди! Унинг шунчалик кўп ёзишини истар эдики... Масалан: у Антуанни токи олти саҳифани тўлдириб ёзмагунича ётоқ бўлмасига киритмас эди. Балки бу унинг Антуанни йўқотишдан, унинг яна хавф-хатар тўла ҳавода парвоз қилишдан қайтаришга уринишидир. «Э худо, уни паноҳингда сақла! — дея ёлворарди у. — Ахир усиз мен етим қоламан, шундан асрагин, худойим!»

ХАТАРЛИ КАСБ ТАНЛАГАН АНТУАН

Ливия саҳроларида 1935 йилнинг 29 декабрида учувчи Антуан бошқараётган самолёт ўз мувозанатини йўқотиб, ҳалокатга учрайди. Бу сафар Консуэлонинг ўтинч-ёлворишлари билан Антуан тирик қолади: адиб ҳаётини араблар 1936 йилнинг 1 январида сақлаб қоладилар. Агарда адиб ҳаётида Консуэло бўлмаган ва у Ливия саҳроларида саросар кезмаганида жаҳон адабиёти хазинаси «Кичик шаҳзода» каби марварид донаси билан бойимас эди. Ахир ўша Роза кичик шаҳзоданинг севиклиси — адибнинг умрлик йўлдоши Консуэло-ку!

Барибир Консуэло ҳамиша қўрққан машъум воқеа рўй беради: ёзувчи бу дунёни ундан олдин тарк этади. Бу сафар аёл ўтинчлари ҳавода муаллақ қолади. Экзюпери 1944 йилнинг 31 июлида сўнгги марта парвоз қилади.

Бахтга қарши, аксарият пешонасига шундай қисмат битилган аёллар сингари Консуэло ҳам узоқ умр кўради. Аёл умр йўлдоши бўлган буюк адибнинг сирли ўлимидан сўнг ўттиз беш йил умр кўради. У 1979 йилнинг 28 май куни оламдан ўтади. Шундан йигирма бир йил ўтгач эса балиқчилар денгиздан учувчи адиб самолёти парчалари ва уларнинг орасида кумуш занжир ва Биби Тереза медальонига солинган ёзувчи хотининнинг суратини топиб оладилар. Сурат орқасига аёл қалби изҳори бўлган шундай сўзлар битилган эди: «Мени йўқотма. Ўзинг йўқолма».

Маъсума АҲМЕДОВА

«Мен — ёшликман» танловига

Баҳор соғинчи

Қувонч ёши эмасми
лоладаги томчилар,
Эсиб турган шаббода
дил атрини симирар,
Алвон лолақизғалдоқ
муаттар бўй таратар —
Мен баҳорни соғиндим,
Сен ҳам соғинганинг айт.

Шафақ бирла уфқнинг
томирида оқар нур,
Бошинг узра порлагай
қуёш таратган сурур,
Кўнгил боғин кенг олиб,
қувонч гулин қуч масрур —
Мен баҳорни соғиндим,
Сен ҳам соғинганинг айт.

Тонг саҳарда Оллоҳдан
сўра элга бахт, омад,
Баҳорнинг ҳар лаҳзаси
умринг каби ғанимат.
Боғларга боқ, булбулнинг
қўшиғидан туй ҳайрат —
Мен баҳорни соғиндим,
Сен ҳам соғинганинг айт.

Дилни яйрат кўкламнинг
рангин тароватидан,
Баҳра олгин бетакрор
хайру саховатидан,
Ўтга айлансин юрак
меҳру муҳаббатидан —
Мен баҳорни соғиндим,
Сен ҳам соғинганинг айт.

Умр сарҳисоби

Фақат вақт масаласида хасислик қил.
Томас Манн

Бу фоний дунёдан ўтар чоғингда,
Умр дафтарингни варақлаб кўргин.
Сен бунёд айлаган ҳаёт боғингда,
Мангуга қолгувчи неларни экдинг?..

Ўзингда савол бер: «Мен кимман ўзи?»
Жавоб топа олсанг, умринг безавол,
Ҳақдир, Муҳаммаднинг бу азиз сўзи:
«Ёмонлик йўлида эзгулик увол».

Сабр коса чошин тўлдирдингми, айт?
Меҳр булоғидан яратдинг нени?
Илм достонидан сўйла дилбар байт,
Саодат бағрига элтгай у сени.

Дунё

Уммон қаъри томон чўкди оқибат,
Замин ҳам излайди ўзига вафо.
Кўз очиб юмгунча учрар қабоҳат,
Митти ялроқни ҳам эзади жафо.

Дунё, кўчаларинг таровати йўқ,
Армонли кўзлардан оқар дув-дув ёш.
Мунис оналарнинг қалбин тешар ўқ,
Дил қушин дардига беролмас бардош.

Тинкаси қуриган дарвеш мисоли,
Сўлиб бораётган бўстонларинг кўп.
Кўролмай гоҳида мардлар камолин
Разолат тўфони отаверар тўп.

Истадим, изландим кўчаларингдан,
Мағрур қад кўтарган мангу кошона.
Таланган, топталган гўшаларингдан,
Чиқиб келаверар минг бир вайрона.

Англадим, энг буюк бахтинг биттадир:
Эзгулик машъалин кўтарган дунё.
Маърифат боғларин гуллатсин шоир,
Мангулик қасрини безатсин Даҳо!

Гулчеҳра АШУРОВА,
Галаосиё педагогика коллежи
II босқич талабаси

Адо қилишди, жўралар...

Ishonch
2008 йил 29 май / № 66 (2479)

Буғдойлар бошоқ тортиб, ризқ-рўз хирмонлари кутилаётган дамлар эди. Исматулла гаражга келса, ҳар йилги гап: «Ўн кундан кейин ғалла ўрим-йиғими бошланармиш. Унгача техникалар обдон ҳозирланиб, «старт чизиғи»га келтирилиши шарт!» Таъминотдан айтарли дарак йўқлиги боис, бу даъват замиридаги шаъмани тушунган Исматулла ҳам шалағи чиққан «Москвич» машинасига ўтириб, ҳали у, ҳали бу бозорни айланиб чиқди. Сўраб-суриштириб, қарз эвазига таниш касбдошлари орқали, бироз уринган бўлса-да, эҳтиёт қисмларни жамлашга киришди. Кейин шогирдлари ёрдамида ярим очиқ ҳолатидаги комбайнни бутлашни бошлашди. Ҳайтовур, мойли қўллар бекорга қотиб-қавармаганди. Астойдил уриниб, муддатидан бир кун аввал техникани жойидан жилдириб, сафга қўйди.

Тўрт бора ўлган одам

Мавсум бошланиши анча тантанавор тартибда ўтказилди: Хўжалик раҳбаридан кейин ҳокимлик вакили ҳам баъзи фикрлар билдириб, мавсумни тез ва сифатли ўтказиш лозимлигини қайта-қайта уқтирди. Шундан кейин, бепоён ғалла майдони сари йўл олишди. Сарғиш уммонда суза бошларкан, Исматулла беихтиёр моторнинг қай даражада ишлашига қулоқ тутди. Техника қартанинг ярмини босиб ўтгач, ғаллазор адоғи ёввойи ўтлардан мутлақо тозаланмаганини кўриб, ҳайдовчи кўнглида безовталик бошланди. «Ахир, ямловчи агрегатлар қуруқ ва силлиқ буғдой танаси учун мўлжалланган-ку. Бир-бирига чирмашиб кетган ўсиқ ўт-ўланлар айланма ўқ илгакларини тутиб қолмайдими?!»

Бу фикрни айтиб тушунтирай деса, атрофда уни эшитадиган ҳеч ким йўқ... Айни пайтда ҳайдовчи учун бир амаллаб комбайнни олға жилдиришдан бўлак имкон ҳам кўринмасди. Қанчалик эҳтиёткорлик қилмасин, моторда зўриқиш пайдо бўлди. Ямлаш мосламаларининг айланиши оғирлашиб, ғайритабиий чириллаш ҳосил қила бошлади.

— Об-бо, ярамас-ей... — ҳайдовчи сўкина-сўкина қўлга мантировкани олиб пастга тушди. Қараса, чирмовиқдек ўралиб қолган ғумай ва итузум таналари анчагина қалинлашиб қолибди. Азоб билан мослама ораликларини тозалагач, айланиш равонлиги анча тиниқлашди. Қарта адоғига боргунга қадар шу ҳолат яна икки маротаба қайтарилди. Моторни ўчириб қўйиб, кейин агрегат мосламаларини ўтдан тозаламаса бўлмайди. Бироқ, аккумлятор ўз муддатини ўтаб бўлганлиги боис, кенг ораликда техникани ўчириб қўйса, унинг яна ўт олиши даргумон. Тугунга айлана бошлаган ўт-ўланларни ажратиб олишга киришаркан, Исматулланинг кўзи пояси қаттиқ ғумай таналарига тушди. Уни ажратиш учун мантировка ёки ёғоч мосламанинг куч бермаслигини тушунган ҳайдовчи бир оёғини мослама темирига тираб, иккинчи оёғини бироз ортга керганича бор кучи билан ғумай пояларини ўзига тортди. Шунда бехосдан шим айланма илгак учига илиниб, Исматулланинг бир оёғи ишлаб турган агрегат орасига тушиб кетди...

Қолган воқеаларни тасаввур қилиш осон. Кутилмаган ҳайқириқдан кимлар ёрдамга ошиқди, темир исканжадан оёғи қандоқ чиқариб олинди, булар энди унга қоронғи. Ҳушига келганида эса тўшакда — оқ халатлилар қуршовида ётарди. Жароҳатли оёқдаги кучли оғриқ бутун танани қамраб олгудек эди. Ишқилиб, Яратганнинг ўзи уни ҳаётга қайтариб берди.

Бемор дард билан олишиб ётган шу паллада ҳамширанинг чиқиб кетганидан фойдаланиб, икки басавлат таниш чеҳралар ўзини палатага уришди. Бири — у ишлаётган хўжаликнинг биринчи раҳбари, ортидан эса бош муҳандис! Бемор уларни кўриб, ўзини имкон қадар тетикроқ тутишга уринди. Сўраб-истаб келганларини кўриб, ҳазин оҳангда миннатдорлик билдирди. Аммо у мақсадни ҳали тушунмас, коса тагида нимкоса мавжудлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

> ***— Укам кечирган қисматни душманга ҳам раво кўрмаган бўлардим, — деди шифохона остонасида кўришган чоғимизда акаси Суннат Каримов. — Жароҳатли оёқни сонидан кесиб ташлашларига тўғри келди. Кўп азиятлардан кейин қўлтиқтаёқда юрадиган бўлди. Аммо, бу даврда чириш таъсири иккинчи оёқ суягига ҳам кўчган эди. Иккала оёғидан ажралгач, бояқиш иним ўзини ногиронлик аравачасида ҳам бошқара олмайдиган ҳолатга келиб қолди.***

— Кўргулик экан-да, ука. Худо хоҳласа, ҳадемай оёққа туриб кетасан. Унгача доим ҳимоямизда бўласан. Ҳа, айтгандек, сендан илтимос. Иш пайтида жароҳат олганингни бировга айтиб ўтирма. Бўлмаса, дўхтурлар ваҳима қилиб юборишади. Тағин бошимиз ташвишдан чиқмай юрмасин.

Озроқ мева ва иккита қоғоздек юпқа шаппати нон солинган қоғоз пакет стол устини икки кун хира қилиб турди. Исматулла кучини тўплаб, зарби суякни зирқиратаётган оғриққа чидашга интиларди. Лекин, барибир, докторларга ёлғон кўрсатма беришга қарор қилди.

Дардни яширсанг, иситмаси ошкор этади, дейди халқимиз. Жароҳатлар секин-аста битиб, ойлар ўтди. Бироқ, сир тутилган суяк жароҳатини кўрсата бошлади. Исматулла яна тўшакка михланиб қолди. Вилоят марказий шифохонасида эса суяк чириши бошланаётганини маълум қилишди.

— Укам кечирган қисматни душманга ҳам раво кўрмаган бўлардим, — деди шифохона остонасида кўришган чоғимизда акаси Суннат Каримов. — Жароҳатли оёқни сонидан кесиб ташлашларига тўғри келди. Кўп азиятлардан кейин қўлтиқтаёқда юрадиган бўлди. Аммо бу даврда чириш таъсири иккинчи оёқ суягига ҳам кўчган эди. Иккала оёғидан ажралгач, бояқиш иним ўзини ногиронлик аравачасида ҳам бошқара олмайдиган ҳолатга келиб қолди. I гуруҳ ногиронига айланган шўрлик укам қандли диабет хасталигига ҳам чалиниб қолди. Бизни қон қақшатган нарса шуки, жарроҳлар икки ой ўтиб, унинг чап қўлини ҳам тубидан кесиб ташлашга мажбур бўлишди.

Уч бора ўлимни бошидан кечирган тана бўлаклари қани энди зада бўлган нигоҳлардан айро турса!.. Таомилимизга кўра тириклай танадан узилган мучалар олдиндан кўмиб юборилмас экан. Улар ўз эгасининг сўнгги соатларини кутиб, борлиқда тус сақлашаркан. Буни Исматулланинг яқинлари ўша илк оёқ танани тарк этган маҳал билиб олишгач, дори билан қотирилган оёқлар ва қўлни бирин-кетин уйларига олиб қайтишди. Жонсиз қисмларни уй шифтига мих қоқтириб, алоҳида-алоҳида матоларга ўраб, осиб қўйишди. Қисмат экан: болалар бўйи етиб қолган бўлганига қарамай, тунлари ўша уйга бехосдан кириб қолишса, жуда сесканишарди. Турмуш ўртоғи бўлса, ғам ва йўқчиликка чидолмай, тўйиб-тўйиб пинҳона йиғлайди. Лекин тезда ҳасратини ичига ютиб, очиқ чеҳрада жуфти-ҳалолининг хизматига ошиқади.

Жўрамиз шифохонадан қайтган куни барча синфдошлар биргалашиб, уни кўргани бордик. Қўл-оёқсиз гавда анча кичрайиб қоларкан. Бизни кўриб, нурсиз кўзлари пирпираганча, гўдакдек бир бурда гавдасини тиклаб, ўнгаришга уринди. Юмшоқ болиш ёрдамида қаддини тиклашга кўмаклашдик. Қаранг-а, қисқа муддатда сочлари тугул қошигача оқариб кетибди. Ортиқча ҳаракатга ҳол келмасди. Шу боис жовдироқ кўзлардан тизилиб оқаётган шашқатор ёшдан шундай мазмун сочилгандай бўлди: «Жўралар, жўжабирдай жон дардни ўйлайинми ёки дастурхонни?.. Шундай кунга тушиб қолдим-а!..»

Бу билан кўз ёшлар тугамади. Мажруҳона нигоҳда сўнгсиз армон ва кутилмаган қаҳрни кўрдик.

— Номардлар! Муттаҳамлар! Уларга алданиб, дўхтирларга ёлғонни айтдим. Дардимни беркитдим. Адо қилишди, жўралар, адо...

Баъзи фикрлардан воқиф бўлганим учун аччиқ нолалар кимларга қаратилганлигини тушуниб турардим. Орадан ҳафта-ўн кун ўтиб Исматулла бандаликни бажо келтирди. Шифтда осиғлиқ тана қисмлари ҳам унинг билан бирга тахтланиб, чўбин от узра қалаштирилди.

Мени ларзага солгани шу эдики, шифохонага пуч ёнғоқ орқалаб борган ўша ҳамиятсиз раҳбарлар майит жанозаси куни ҳам кўриниш беришмади.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Оғриқ нуқталар

Қорним тўйса, бўлди-да...

Сўнгги марта қишлоққа борганимда, адирга чиқдим. Бир бўзбола мол боқиб ўтирган экан. Аранг танидим: Жувозкаш Амакининг супрақоқдиси, уйи анҳорнинг нариги томонида. Гаплашгим келди, негадир.

— Катта бўлсанг, ким бўлмоқчисан? — дедим гапни айлантириб.

— Ҳеч ким... — деди ерга қараб.

— Ия, ука, сал пастроқ тушинг, — дедим эркалаб. — Агар сен Ҳеч ким бўладиган бўлсанг, дунё нима бўлишини биласанми?!.

Ҳайрон тикилди: анграйи-и-и-и-б...

— Шаҳарда ўқийсанми, насиб бўлса?..

— Отамнинг пули йўқ, — чўрт кесиб гапирди у.

Тушунтирмоқчи бўлдим:

— Сарфлаган пулинг бир куни қайтиб келади...

Кўзимга маъносиз тикилди:

— Отамда пул йўқ...

Бошини силадим:

— Хўб, отанг билан гаплашсам, ўқийсанми?

Индамади.

— Ўзи нимага қизиқасан? — дедим ҳайронлигим баттар ортиб.

Жавоб ўрнига оғзини катта очиб эснади. Яна сўровдим, елкасини қисди...

— Ҳар доим шундай мол боқиб юраверасанми? — дедим анча ўтиб.

«Шуни ҳам билмайсанми?» дегандай тикилди:

— Қорним тўйса, бўлди-да...

Сал нарида кўкат «чимчилаб» юрган тарғил ғунажинни кўрсатдим:

— Ана шунинг ҳам қорни тўйса бўлди. Сени ундан фарқинг йўқми?!.

Укам тушмагур жойидан ирғиб туриб, қочиб кетди.

Кечқурун ҳамсоямизникида тўй бўлди. Отарчилар шаҳарлик экан. Ҳайрон қолганим, давралаган эркак борки, ҳусни қоча бошлаган «шоптолиқоқи» раққосага суйканади. Ўйинчи-да, ишига пишиқ: пул бермаганга ўпич ҳам йўқ. Давангирдай биттаси ўша «шоптолиқоқи»ни ўпмоқчи эди, ноз-ланди. Жаҳли қўзиган бойнаги давангир шартта дўпписини унга кийдирди-да, пулга белаб ташлади. Сўнг мақсадига етгач, атрофга бургутона қараш қилиб, даврадан чиқди. Олдимга келиб ўтирганида туйқус таниб қолдим: бу — ўша Жувозкаш Амаки эди...

Валижон АБДУНАЗАРОВ,
Олтинсой тумани

Қатра

Умид учқуни

Табиатнинг инжиқликларига, ёмғирли ва совуқ об-ҳавонинг оёғига бераётган азобли оғриғига қарамай, у чекинмасди. Тонг ёришмасдан уйқудан уйғонар, ўз юмушларига сингиб кетарди. Дўппидеккина ерига эккан донларни саҳарлаб йиғар, эскириб ҳатто баъзи жойларига ямоқ тушган қопига авайлабгина соларди. Унинг учун бир ҳовуч дон ҳам азиз ва қадрли эди.

Сўнгра дон солинган қопни елкалаб, ҳассасига суянган ҳолда шаҳар томон йўл оларди. Шаҳарга келиб ўзи учун кўпдан буён қадрли бўлиб қолган, деворларининг бир қисми сувалмаган ўша бино ёнига келар, қопни ерга қўйгач деворга суянган ҳолда харидор келишини кутиб турарди. Неча йиллардан буён шу шаҳарга келади. Қишлоғи билан шаҳар орасидаги масофа тахминан 15 чақирим келади. Лекин ҳар куни қатнайди. Ўз кунини ўтказиш, бир сўм пул топиш мақсадида оёқлари оғриб азоб берса ҳам чекинмасдан фақат олдинга интиларди. Тонгда шаҳарга келиб, кун ботгач уйига қайтадиган бу қария кунига беш-олтидан кўпроқ харидор йиға олмасди. Ўтиб кетаётган йўловчилар ҳам бу қарияни таниб қолишган. Кўпчилиги у билан бош силкитиб ҳолаҳвол сўрашиб ўтишарди. Айримлари қушлари учун дон олса, баъзилар эса қарияга раҳми келганидан пул ташлаб кетишарди. Албатта, бундай вақтда у қаршилик қилар, савобталаб йўловчилар эса чин кўнгилдан эканлигини унга уқтиришарди.

Ҳаво булут бўлган кунларида қариянинг оёқлари шунчалар оғриб унга азоб берардики, чидашга имкон қолмасди. Шундай бўлса-да, у тўшакка михланиб ётган хотини ва ўзини боқиш учун бу азобларга чидаб, пул топиш кераклигини биларди.

Қария ҳаётда кўп қийинчиликларга рўбарў бўлганидан, фақир кун кечиришдан, уни ва хотинини боқадиган, ардоқлайдиган фарзандлари йўқлигидан жуда ҳам афсусланарди. Икки фарзандли бўлишди, лекин норасидалар кўп яшамади. Шундан сўнг бошқа фарзанд насиб этмади уларга. Умрининг беш куни қолдими-йўқми билмайди. Лекин шуни яхши биладики, у бемор хотини ва ўзини боқиш керак эди. Фақат олдинга юрар, кўнглида қандайдир умид бор эди. Ниманидир кутар, гўёки бир кун мўъжиза юз берадигандек туюларди унга. Қалбида умид учқунлари ёнарди. Ҳаётининг сўнги кунларидир балки, лекин эртанги кун умиди билан яшарди.

Хайрулло АСТАНАҚУЛОВ

Акс-садо

Танқиднинг меваси ширин

Бу ҳикматни кўп такрорлаймиз-у, холисона айтилганда, танқидни тўғри ҳазм қилиш осон кечмайди.

Бундан қарийб уч ойлар олдин туман прокуратураси томонидан Хатирчи тумани умумтаълим мактабларида ногирон ўқувчиларга дарс берилишдаги аҳвол назорат тартибида ўрганилган эди. Ўрганиш чоғида айрим мактабларда бу борада йўл қўйилаётган баъзи бир ўзибўларчиликлар ҳам аён бўлди. Муаммони жойида ҳал қилиш бўйича тезкор зарурий чоралар қўлланилди. Шундай бўлса-да, прокурор бошқа ҳудудларда ҳам бундай қонунбузилишлар юзага келмаслиги учун газетхонлар эътиборига «Ishonch» газетаси орқали ўз нуқтаи назарини ҳавола қилган эди.

Газетанинг 15 май сонида «Ногиронлар ҳам билим истайди» сарлавҳаси остида мақола чоп этилгач, мутасадди ходимларнинг танқидни тўғри қабул қилганлари кишини қувонтиради. Эътиборли томони шундаки, шу йил 16 май куни, яъни мақола чиққан куннинг эртасигаёқ таълим муассасаларида оилада якка тартибда таълим олаётган ногирон ўқувчиларга зарур бўлган ўқув шароитини яратиб бериш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича туман халқ таълими бўлими ҳамда ижтимоий таъминот бўлимларининг қўшма қарори қабул қилинган. Туман ХТБ мудири ҳузурида ўтказилган таълим муассасалари раҳбарлари иштирокидаги ишлаб чиқариш йиғилишида эса мақола атрофлича муҳокама қилиниб, айбдор мактаб директорларига тегишли чора кўрилган.

Яқинда яна бир қувончли хабарнинг гувоҳи бўлдик. Тумандаги 7, 11, 14, 15, 16, 19, 20, 41-умумтаълим мактабларидаги уй синфида ўқиётган ногирон ўқувчиларнинг ҳар қайсиси компьютер билан таъминланибди. Шунинг билан бирга оилада якка тартибда таълим олаётган ногирон ўқувчилар мавжуд бўлган ўрта умумтаълим мактабларида йиллик иш режа, ўқитувчиларнинг дарс конспектлари, алоҳида дарс жадваллари, синф журнали, ота-оналар билан мулоқот ва назорат дафтарлари эндиликда тўлиқ юритила бошланган. Ногирон синф ўқитувчиларининг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш ҳам изчил йўлга қўйилган.

Келгусида ҳам фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда «Ishonch» газетаси билан ана шундай ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз.

Фаррух УСМОНОВ,
Хатирчи туман прокурори катта ёрдамчиси

Ибрат

Яқинда икки боланинг суҳбатини эшитиб қолдим. Суҳбат ёлғоннинг фойдасиз эканлиги тўғрисида эди. Улардан бири ойисига ёлғон гапириб, алдаганини бу эса тезда фош бўлганини гапириб берарди. Келинг, суҳбатни сиз ҳам эшитинг.

Ёлғон фош бўлди

— Мен кеча ойимга «Қаттиқ бетобман, мактабга боролмайман», — деб ётиб олдим. Бироз ётиб, ўйнагани чиқмоқчи эдим.

Ойим гапимга ишонди шекилли, тезда шифокорни чақириб келди. Мен эса нима дейишни билмайман. Ўрнимдан турсам, ойим ёлғон гапирганимни билиб қолади.

Қишлоқ врачлик пунктида ишлайдиган Мустафо ака асбоблари билан танамни текшириб чиқди. Ойим хавотир билан ундан менга нима бўлганини сўраганда эса ҳаммаси ошкор бўлди.

— Хавотир олманг, ўғлингизнинг ҳеч қаери оғригани йўқ. Бемалол мактабига боравер-син, — деб жавоб қилди шифокор.

Ёлғончилигимдан ойим хафа бўлдилар. Мен эса қилган ишимдан қаттиқ пушаймон эдим. Шунинг учун энди фақат рост сўзлашга ҳаракат қиламан.

Гулафзал АРЗИЕВА,
Чироқчи тумани, Қаҳрамон қишлоғи, Қори Ниёзий номидаги 13-умумтаълим мактаби ўқувчиси

Яхшилар ёди

Хорижликларга пахтачиликни ўргатган

Ўзбекнинг уста пахтакорлигини дунёга намойиш этган фидойи юртдошларимиз ҳақида ўйлаганда қалбимиз ғурурга тўлади. Асли чортоқлик Маҳмуджон Абдуллаев ана шундай инсонлардан бири эди. У шўро давридаёқ хорижликларга пахтачилик бўйича кўп нарса ўргатган.

Аграр соҳа бўйича етук мутахассис бўлган бу инсон республика қишлоқ хўжалиги вазири лавозимида ҳам ишлаган. 1976 йилда Ангола Халқ Республикаси президенти Агустинйу Нето юртимизга ташриф буюрганда, далалардаги пахталарни кўриб, ўз мамлакатида ҳам ана шундай пахтазорлар яратиш орзуси борлигини айтади. Ўзбекистон раҳбарияти билан учрашувда Анголага заминимизда етиштириладиган олий навли пахта ва малакали мутахассислар билан кўмак берилиши ҳақида гап боради.

Орадан маълум вақт ўтиб мазкур давлатга иқтисод фанлари номзоди М.Абдуллаев раҳбарлигида мутахассислар юборилади. 1977 йилнинг 21 апрелида Луандо вилоятидаги Икола-Бенгу муниципипалитетига қарашли қишлоқ яқинида тажриба маркази ташкил этилди. Ламала қўли атрофидаги бу хўжалик шу қишлоқ номи билан «Онге-Занга» деб аталди. У ерга Ўзбекистондан зарур асбоб-ускуналар юборилди.

1978 йилнинг май ойида «Онге-Занга» далаларида «Тошкент-1» навли пахта очилди. Луандо радиоси Маҳмуджон Абдуллаевнинг шу муносабат билан уюштирилган тадбирда сўзлаган нутқини эшиттирди. «Жорнал де Ангола» газетасининг илк саҳифаларида «Пахта бўйича экспериментал станция» сарлавҳали катта мақола чоп этилди.

М.Абдуллаев бу хизматлари учун давлатимиз томонидан «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланди. У кўп йиллар эл-юрт манфаати йўлида меҳнат қилди. Бугун орамизда бўлмаса ҳам бу инсоннинг эзгу ишлари одамлар қалбида мангу яшамоқда.

Нигора АБДУЛЛАЕВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Доноолар демишки...

Ўз бурчини бажаришидан мамнун одамгина эркин яшайди

ЦИЦЕРОН

«МУШТАРИЙ МИНБАРИ» КУПОНИ №____

*Фамилиянгиз*_____
*Исмингиз*_____
*Отангизнинг исми*_____
*Туғилган йилингиз*_____
*Манзилингиз*_____
*Иш(ўқиш) жойингиз*_____
*Қайси мавзуда чиқиш қилмоқчисиз?*_____

Универсал жанг

Тошкент универсал жанг марказига айланмоқда

Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида универсал жанг бўйича Осиё очиқ чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақада Россия, Беларус, Қозоғистон, Афғонистон, Қирғизистон, Покистон, Озарбайжон, Япония, Молдова, Туркманистон, Тожикистон каби ўндан ошиқ давлатлардан келган 100 нафарга яқин спортчилар ўз вазн тоифаларида кураш олиб боришди.

Терма жамоамиз анчагина кучли эди. Ҳамюртларимиз орасида универсал жанг ва кикбоксинг бўйича жаҳон ҳамда Осиё чемпионатларида ғолиб бўлган спортчиларнинг борлиги рақибларга етарлича қийинчиликлар туғдирди.

Вакилларимиз нуфузли мусобақада 6 та олтин, 5 та кумуш, 6 та бронза медалларига сазовор бўлди ва терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, Тошкентдаги универсал жанг мусобақалари чоғида пичоқ улоқтириш бўйича биринчи Осиё очиқ чемпионати ғолиблари аниқланди.

Унда ҳамюртимиз Жавод Очилов 5 метр масофага улоқтириш бўйича жами 505 очко жамғариб, Осиё чемпиони бўлди ва олти карра жаҳон чемпиони россиялик Андрей Яковлевнинг (2007) рекордини янгилади. Жавод, шунингдек, 7 ва 9 метрга пичоқ улоқтириш бўйича мусобақанинг кумуш медалларини ҳам қўлга киритди.

Футбол

Сингапурга қарши таркиб

Футбол бўйича терма жамоамиз ЖЧ-2010, 3-саралаш босқичи доирасида меҳмонда Сингапур терма жамоаси билан куч синашишидан хабарингиз бор. Шу муносабат билан Тошкентда ўқув-машғулот йиғини бошланди.

Бош мураббий Рауф Инилеев рўйхатидан жами 26 футболчи ўрин олган ва шулардан икки нафари захирадаги ўйинчилар ҳисобланади.

Тошкентнинг «Локомотив» клуби ҳужумчиси Олим Навкаровнинг сўнгги турлардаги мазмунли ўйинлари Рауф Инилеевнинг эътиборини тортди ва илк маротаба миллий терма жамоа сафига таклиф қилди. Шунингдек, узоқ танаффусдан кейин «Қурувчи» аъзоси Жасур Ҳасанов ҳам бош жамоадан чақирув олди.

Инилеевнинг сўзларига кўра, мазкур 26 футболчидан 18-20 нафари Сингапурга олиб кетилади.

«Қурувчи» Эронга боради

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг чорак финал босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Қуръа натижаларига кўра, Тошкентнинг «Қурувчи» жамоаси мусобақанинг яна бир дебютанти Эроннинг «Сайпа» клуби билан куч синашадиган бўлди. Дастлабки учрашув рақиб майдонида ўтишини инобатга олсак, қуръа Миржалол Қосимов шогирдлари учун қулай келганини таъкидлаш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, чорак финал баҳслари 17 ва 24 сентябрда, ярим финаллар 8 ва 22 октябрда, икки учрашувдан иборат финал эса 5 ва 12 ноябр кунлари ўтказилади.

Марҳамат, қуръа натижалари билан танишинг:
«Сайпа» (Эрон) – «Қурувчи» (Ўзбекистон)
«Кашима Антлерс» (Япония) – «Аделаида Юнайтед» (Австралия)
«Ал-Қодисия» (Қувайт) – «Урава Редс» (Япония)
«Ал-Карама» (Сурия) – «Гамба Осака» (Япония)

«Сўғдиёна» қоқилди

Ўзбекистон чемпионати олий лигасида 11-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Натижалар билан танишинг: Сўғдиёна – Бухоро - 1:2, Нефтчи – Қизилқум - 3:1, ЎзДОНГ ЖУ – Андижон - 0:1, Динамо – Навбаҳор - 2:0, Локомотив – Металлург - 1:0, Шўртан – Машъал - 0:0, Насаф – Қурувчи - 0:0, Пахтакор – ОТМК -2:0.

Грант бўшатилди

Европа чемпионлар лигаси финалида «Манчестер Юнайтед»га имкониятни бой бергач, «Челси»нинг бош мураббийи Авраам Грант истеъфога чиқарилди.

Унинг ўрнига келиши мумкин бўлган мутахассислар номзодлари орасида Франк Райкаард, Свен-Горан Эриксон, Дик Адвокат ва Роберто Манчини каби мураббийларни кўриш мумкин.

Алпинизм

Ёшларимизни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга садоқат рухида тарбиялашда алпинизм муҳим аҳамиятга эга. Фарзандларимизда машаққатларни букилмас ирода билан енгиб ўтиш, қатъият ва жасурлик хислатларини шакллантиришда мазкур спорт турининг ўрни беқиёсдир.

Ўн йил олдин...

— Эверест чўққисини забт этиш барча алпинистларнинг олий орзусидир, — дейди Ўзбекистон алпинизм ва қоя забткорлиги федерацияси бош котиби, 1998 йил 22 майда Эверест чўққисини забт этган алпинистлар гуруҳига раҳбарлик қилган Анатолий Шабанов. — Ушбу чўққига илк бор 1953 йил 29 майда инглиз экспедицияси аъзолари кўтарилган.

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон спортчиларининг осмонга туташ чўққиларга экспедициялар уюштириши учун имконият туғилди. 1998 йилда мамлакатимизда Эверест чўққисини забт этувчи алпинистлар гуруҳи тузилди. 22 май куни об-ҳаво ўта ноқулай бўлганига қарамай, барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, 12 мамлакатдан келган алпинистлар гуруҳини ортда қолдирган ҳолда чўққини забт этдик. Гуруҳ аъзоси Рустам Ражабов биринчи бўлиб у ерга Ўзбекистон байроғини қадади. Унинг ортидан гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам чўққига кўтарилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида жаҳонда алпинизм соҳасидаги етакчи мамлакатлар қаторига қўшилди. Ўзбекистонлик алпинистлар Марказий Тьяншаннинг «Хонтангри» (7010 метр), «Ғалаба» (7439 метр), Франциядаги «Монблан», Шимолий Америкадаги «Мак-Кинли» (6193 метр) чўққилари, шунингдек, Помир, Тьяншан, Аляска тоғларидаги энг баланд чўққиларга бир неча бор кўтарилдилар. Ҳозир юртимизда алпинизм ва қоя забткорлиги билан қарийб 500 нафар киши мунтазам шуғулланаётган бўлса, шунинг 200 дан ортиғи ёш ўғил-қизлар эканлиги эътиборга лойиқ. Ўтган йили икки нафар спорт устаси, 8 спорт усталигига номзод, 100 дан зиёд оммавий разряддаги спортчилар тайёрланди, — дейди тажрибали мураббий.

Теннис

Қаршида ўзгаришлар кўп

Президентимизнинг «Республика Олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори спорт секцияларига малакали мураббийлар етказиб бериш билан бирга ёшларнинг спортдаги маҳоратини ошириш, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган мамлакат терма жамоаларини шакллантириш имконини беради.

— Теннис билан етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар ким шуғулланиши мумкин, — дейди Қашқадарё вилояти теннисни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори Зокир Ҳамидов. — Лекин бу соҳада мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласи долзарб муаммолардан биридир. Чунки теннисда ҳаваскорлар кўп, аммо профессионаллар, малакали мураббийларга эҳтиёж катта.

Мамлакатимизда Олимпия захиралари теннис мактабининг ташкил этилиши мазкур муаммони бартараф этишда муҳим омил бўлади. Бундан ташқари, Қарорда республика теннис мактабига фақат танлов асосида, теннис клублари ва спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган, тегишли салоҳиятга эга йигит-қизларни қабул қилиш белгилаб қўйилди.

Сўнгги йилларда вилоятдаги теннис клубларининг моддий аҳволини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Қарши шаҳридаги Марказий теннис мажмуасида халқаро миқёсдаги мусобақаларни юқори савияда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бундан ташқари, Қарши шаҳри, Китоб ва Муборак туманларидаги теннис клублари, касб-ҳунар коллежлари қошидаги 50 дан ортиқ замонавий теннис кортлари ҳам ишқибозлар ва спортчи-ёшларнинг севимли масканига айланган.

Алишер Навоий номидаги вилоят марказий боғи ҳудудида фойдаланилмай келинаётган «Ирода» теннис мажмуаси вилоят теннисни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда ҳомий ташкилотлар – «Ўзмахсусгазқурилиш» очиқ акционерлик жамияти вилоят бошқармаси, «Қашқадарё электртармоқлари» корхонаси кўмагида ишга туширилди. Бу ердаги тўртта теннис корти халқаро стандартларга мос ҳолда таъмирланди. Кичик ёшдаги болалар учун теннис секцияси ташкил этилди. Жамғарма мутасаддиларининг таъкидлашича, ушбу мажмуани келгусида янада кенгайтириш ва унда қишки ёпиқ теннис кортлари барпо этиш мўлжалланмоқда.

Енгил атлетика

Навбатдаги йўлланмалар

Яқинда Тошкент тиббиёт Академиясининг «Шифокор» спорт мажмуасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон очиқ кубоги баҳслари бўлиб ўтди.

«Пекин-2008» Олимпиадаси лицензиялари ўйналувчи мазкур мусобақага Марказий Осиё давлатларининг энг кучли спортчилари ташриф буюришди ва умумий спортчилар сони 350 нафарни ташкил этди. Ўз навбатида, мамлакатимизнинг энг тажрибали спортчилари томонидан бир қатор муваффақиятли натижалар қайд этилди. Жумладан, 110 метрга тўсиқлар оша югуришда Олег Норматов 13,71 сония натижа кўрсатиб, халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажарди. Шунингдек, у «Пекин-2008» йўлланмасини ҳам қўлга киритди. Баландликка сакраш бўйича Светлана Радзивил (1,98), лангарчўп билан баландликни забт этиш бўйича Леонид Андреев (5 метру 65 см) шахсий рекордларини янгилашди.

Яна бир моҳир спортчимиз Павел Андреев ўнкураш баҳсларида ғолиб чиқиб, 8034 очко билан у ҳам «Пекин-2008» йўлланмаси соҳибига айланди.

Гарчи, мусобақада рақобат кучли бўлса-да, ёшларимиз орасида иқтидорли атлетикачилар камолга етаётгани уларнинг натижаларида яққол кўринди. Жумладан, ядро итқитиш бўйича Григорий Камуля, Сергей Дементьев, София Бурҳонова, найза улоқтиришда Бобур Шокиржонов, Надежда Свешникова, тўсиқлар оша югуриш бўйича Зарина Қодирова, Ирина Прошкина каби ёш чемпионлардан умид катта.

Таъкидлаш жоизки, енгил атлетика нафақат пойтахтда, балки вилоятларимизда ҳам жадаллик билан ривож топмоқда. Андижонлик Ирина Мороз, фарғоналик Ситора Ҳамидова, наманганлик Марат Низомов, Самарқанд фарзанди Руслан Носировларга бемалол халқаро мусобақаларда ишонч билдириш мумкин.

Ҳозиргача енгил атлетикачиларимиз орасида «Пекин-2008» йўлланмасини қўлга киритган спортчилар саккиз нафарни (Виталий Смирнов, Гўзал Хуббиева, Надия Дусанова, Светлана Радзивил, Леонид Андреев, Павел Андреев, Олег Норматов, Анастасия Журавлева) ташкил этмоқда. Бироқ бу ҳаммаси эмас. Ҳамюртларимиз Лилия Дусметова, Ринат Тарзуманов, Замира Амирова ва Олег Журавлевда май ойи охирида Бишкекда ҳамда 6-8 июнда Қозоғистонда ўтадиган халқаро турнирларда лицензияларни қўлга киритиш имкони бор.

Шунингдек, ёшлар терма жамоамиз 10-17 июн кунлари Индонезия пойтахти Жакартада ўтадиган навбатдаги қитъа биринчилиги иштирок этишади.

Саҳифа материалларини Акмал АБДИЕВ тайёрлади

Линворд

Линворд ва сканворд муаллифи: Фозилжон ОРИПОВ

Олов қолдиғи | Ҳўл мева | Қуйма андаза | Чой нави | Сув қуршаган ер | Беғубор, тоза | Зарбли асбоб | Салмоқдор | Футбол жамоа | Билим соҳиби | Вилоят маркази

Сопол буюм ҳунарманди | Сўз кўрки | Ҳарир тола | Ишнинг ривожи | Қиммат-баҳо металл | Келажак | Шеър тури | Болгариядаги шаҳар | Табиатни ўрганиш, саёҳат | Шоҳ ва шоир | Бинокорлик ашёси



Бахт — киши ўзи учун излайдиган неъматдир: бирон бошқа нарсага эришиш учун киши асло ва ҳеч қачон бахт сари интилмайди, бинобарин бахтнинг нариги томонида ҳам инсон эриша олмайдиган ҳеч қандай муҳимроқ нарса йўқ.
Форобий.

Илм икки хилдир: бири қалбдаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси, тилдаги илм бўлиб, у Тангри ҳузурида банда зарарига далил бўлади.
Ҳадисдан

Табиат шифохонаси

Саримсоқ – минг дардга даво

Саримсоқни халқимиз севиб истеъмол қилади. У нафақат иштаҳани очади, балки турли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш хусусиятига ҳам эга. Чунки унинг таркибида микробларга қарши курашувчи С, куч-қувват бағишловчи В1, В2, В6 дармондорилари, эфир мойи, фитонцидлар, мияга куч-қувват бағишловчи йод моддаси, маъдан тузлар бор.

1 стакан сувга 40 гр. саримсоқ солиб, 5 дақиқа қайнатиб, овқатдан бир соат олдин 3 маҳал бир ош қошиғида 2 ҳафта ичилса гипертония, атеросклерозни бартараф этади. Шунингдек, қовуқ, буйрак, ўт пуфагидаги тошларни туширишда, никриз-подаграни даволашда, болалардаги гижжани туширишда, шамоллаш, ўпка сили, сурункали йўтални даволашда яхши самара беради.

АҚШда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда 50 дан зиёд мамлакатнинг биолог-кимёгар, тиббиёт соҳаси олимлари асрлар давомида халқ табобатида кенг қўлланилган ушбу сирли неъматнинг янги қирралари кашф этилганини эълон қилишди. Айниқса, саримсоқ XXI аср вабоси — саратон ва юрак-қон томир хасталикларини даволашда ишончли восита эканлиги эътироф этилди. Унинг таркибида чиришни тўхтатувчи, микробларга қирон келтирувчи биологик моддалар борлиги ҳақида симпозиум қатнашчилари алоҳида тўхталди.

Саримсокда йўғон ичак саратонидан ҳимояловчи модда борлигини профессор К.Спахов илмий жиҳатдан исботлаб берган. Академик Абдукарим Усмонхўжаевнинг фикрича, пишган саримсоққа қараганда хоми ўн баробар шифобахшдир. Мутахассисларнинг фикрича, бир кунлик меъёр 2 бўлак(паррак)дан ошмаслиги керак. Саримсоқ кони фойда, ундан меъёрида истеъмол қилиш эса узоқ умр гаровидир.

Т.АЗЛАРХОНОВ

Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши раёсати ва жамоаси ташкилий ишлар бўлими мудири Бахтиёр Достходжаевга акаси **Тоҳир ДОСТХОДЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши жамоаси Сўх тумани бўйича вакили Муроджон Акпаровга отаси **ЖАВҲАР ОТА**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Кулгуга нима етсин

Том суВоқ

Пул деса ўзини самолётдан парашютсиз ташлайдиган олғир бир киши нашриётга келиб, Афандига ялинибди:

— Ҳурматли Насриддин Хўжаевич! Уйимнинг томини суватмоқчи эдим, таржимага бир китоб берсангиз. Сомонга пул керак бўлиб қолди.

Шунда Афанди столга бир мушт уриб бақирибди:

— Бу ер сомон бозори эмас, жўнанг!



Алоҳида ота

Болалар боғчасида учта бола бир-бирига мақтанаяпти. Биринчиси:

— Биз уйда икки боламиз ва ҳар биримизнинг алоҳида хонамиз бор, — дебди.

Иккинчиси:

— Биз эса учта боламиз, ҳар биримизнинг алоҳида велосипедимиз бор, — деса, учинчиси:

— Биз уйда бешта боламиз ва ҳар биримизнинг алоҳида дадамиз бор, — дермиш.

Жарима

Бир киши балиқ овлаб ўтирса, ёнига назоратчи келиб:

— Сиздан ўн минг сўм жарима ундиришимга тўғри келади, — дебди.

— Нега энди?

— Чунки сиз, тақиқланган жойда балиқ овлаяпсиз.

— Кечирасиз, мен балиқ овлаятганим йўқ, чувалчангни чўмилтираяпман.

— Барибир жарима тўлайсиз, чунки, чувалчангни жамоат жойида, яна яланғоч ҳолда чўмилтираяпсиз, — дермиш назоратчи.



Топилма

Ресторанда бир хўранда тўсатдан ўрнидан турида қичқирди:

— Ким лентага ўралган пул йўқотди?

— Мен йўқотдим, мен, — дея ўрнидан турди бир киши.

— Мана, лентасини топиб олдим.

Вой, студент

Икки скелет гаплашишяпти:

— Неча килосан?

— Йигирма кило. Сенчи?

— Йигирма саккиз.

— Вой, «пончик»!

— Вой, студент!!!

Муаллим:
— Қолдиқ овқатлар билан озиқланувчи уй ҳайвонининг номини айтинг!
Ўқувчи:
— Суварак.

Отни яшириб кўр-чи?

— Нега от пойгасида қатнашиб, сира ютолмайсану, карта ўйинида доим омадинг келаверади?

— Сен отни енгинг орасига яшириб кўр-чи, сиғармикан?

Даданг балиқ оВида

Чувалчанг онасидан сўрабди:

— Ойи, дадам қаерда?

Онаси:

— Даданг маҳалладаги чувалчанглар билан балиқ овига кетган.

Чўмилтириб бўлгач...

Бир бола дўстининг олдига келса, у кучукчасини чўмилтираётган экан.

— Кучукчангни совуқда чўмилтирма, ўлиб қолади-ку...

— Ишинг бўлмасин, ўлиб қолмайди.

Бироздан кейин келиб қараса, ҳалиги бола йиғлаб ўтирибди. Ёнида кучукчаси ўлиб қолган.

— Айтдим-ку чўмилтирма, ўлиб қолади деб.

— Унинг учун ўлгани йўқ, чўмилтириб бўлгач, яхшилаб сиққандим...

Мактаб директорининг қизи

Мактаб директори таксига минди. Манзилга етгач, ҳайдовчига 500 сўм узатди. Ҳайдовчи:

— Кеча қизингиз шу ергача 1000 сўм берганди.

Директор:

— Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Қизимнинг «мактаб директорининг қизи» деган номи бор. Менинг дадам эса оддий ишчи.

Изоҳи сиздан...

Неча йилда келди бу омад,
Китдан ҳам қолишмас бу қомат.
Худойим, ўзингга минг шукр,
Чукча қилар бўлди даромад.

Не қилсам, қоларкан кўп фойда,
Сотсамми, балиқ кўп ҳар жойда.
Бозорда ҳам рақобат катта,
Сотмасанг-да оласан патта.

Яхшиси уйга олиб борайин,
Нимта қилиб дошқозонга солайин.
Чорлаб барча қариндош-уруғни,
Мазза қилиб балиқхўрлик қилайин.

Содиқ ИСАЕВ,
«Самарқанд мебел» АЖ директори ўринбосари

Кел, дўстим, биз томонга,
Тайёрладим қайиқни.
Тутиб бергум бир зумда,
Бўйимга тенг балиқни.

Асадулла МИРЗААКБАРОВ,
«Ҳамкорбанк» ОАТБ бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Ов келиб бароридан,
Илинди-ку зўр лаққа.
Бўйи бўйимга монанд,
Дўстлар, келинг қўноққа.

Рустам САТТОРОВ,
Наманган шаҳри

Энди қайдан оламан,
Деб турганимда ақча.
Илинди қармоғимга
Каттагина балиқча.

Бозорга олиб чиқсам,
Яхши нархга кетади.
Йўқ, яхшиси сотмасам,
Чойхонага етади.

Илҳомжон НУРМАТОВ,
Қибрай тумани



Рукнимизнинг май ойи ғолиби деб қибрайлик мухлисимиз Илҳомжон Нурматов топилди. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?

Мушаккатлик баҳоратлари

(2-8 июн)

КУЙ
Ҳафта давомида яқин дўстларингиздан хатхабар оласиз. Ҳамкорлар билан режалаштирилган ишлар ўз ўрнига тушади. Оилангизда бироз дилхираликлар содир бўлиши мумкин. Шунинг учун кўпроқ вақтни уйда ўтказишга ҳаракат қилинг. Уй-жой таъмирлаш ишларида оила аъзоларингиз билан маслаҳатлашинг.

БУЗОК
Кўнгилочар ўйинларга пулингизни режалаб сарфламасангиз, тугаганини билмай қоласиз. Атрофингиздаги ўзгариш ва янгиликларга бефарқ бўлманг. Эринчоқ бўлсангиз, энг яхши имкониятни ҳам қўлдан бой берасиз. Ўзингизга нисбатан талабчан ва танқидий фикрда бўлинг. Соғлиғингизга эътибор беринг.

ЭГИЗАКЛАР
Ҳафта сизга кутилмаган воқеаларни ҳадя қилиши мумкин. Янги уйга кўчиб ўтишингиз мумкин. Ҳамкорларнинг келажакдаги режа ва имзоланадиган шартномаларга муносабатини яна бир бор текширинг. Ҳайдовчиларга эса зийракроқ бўлишни маслаҳат берамиз..

ҚИСҚИЧБАҚА
Қисқа сафарлар мобайнида автомобилингиз бузилиб қолиши ёки бошқалар билан мулоқотда бироз кўнгилсизлик юзага келиши мумкин. Вазминлик ва самимийлик билан ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиш мумкинлигини унутманг. Ўз устингизда кўпроқ ишлаб, зарарли одатларингизни ташлашга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН
Иш юзасидан бўладиган хизмат сафарида муаммолар ҳал бўлиши кутилмоқда. Зиддиятли вазиятлардан узоқда бўлинг. Хушмуомалалик, ўзгаларни ҳурмат қилиш кўп ишда ёрдам беради. Тижорат ишларида дўстлар ва яқинларингизнинг ёрдамини рад этманг.

ПАРИЗОД
Ҳафтанинг бошланиши осойишта ўтади. Даволаниш ёки профилактик муолажа олиш яхши самара беради. Шанба куни ҳаётингизда янги саҳифа очилади. Узоқ давом этган романтик учрашувлар натижасида оила қурасиз. Руҳан тетик бўлай десангиз, парҳез таомлардан, енгил салатлардан истеъмол қилинг.

ТАРОЗИ
Қийин вазиятда қолган дўст ва яқинларингиздан ёрдамингизни аяманг. Оилавий муаммоларни босиқлик билан ҳал этинг. Фарзандларингиз билан кинотеатрга ташриф буюринг. Маданий ҳордиқ чиқарасиз. Дам олиш кунлари томорқангизни тартибга келтиринг.

ЧАЁН
Кутилмаган вазиятларга дуч келиб қолишингиз мумкин. Турар-жой хавфсизлигини таъминлашга эътибор қаратинг. Оила аъзоларингиз саломатлигига ҳам бепарво бўлманг. Бирор ишни бажаришдан олдин ота-онангиз ва оила аъзоларингиз билан маслаҳатлашсангиз мақсадга мувофиқ бўлади.

УҚОТАР
Ташқи кўринишингизга эътибор беринг. Ҳафта бошида саломатлигингиз бироз ёмонлашиши мумкин. Атрофингизда севимли инсонлар борлигини унутманг. Дам олиш кунлари фарзандларингиз ва ота-онангиз билан тоғ ёнбағрига дам олишга чиқинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ
Номзодлик диссертациялари, курс ишлари ва диплом ишлари ҳимояси учун ҳафта жуда омадли келади. Ижодий сафарга чиқишни ҳафта бошига режалаштиринг. Дам олиш кунлари синфдош дўстлар билан юбилей учрашуви кутилмоқда. Иш жойингизда янги ғоянгиз раҳбарият томонидан маъқулланади.

ҚОВҒА
Ҳафта романтик учрашувлар ва саргузаштларга бой бўлади. Таваккал қилманг. Бирор ишга киришиш учун қарор қабул қилишда ҳиссиётларга берилманг. Аниқлик ва тезкорлик ишингизни кўнгилдагидек бўлишига ёрдам беради. Ижод билан шуғулланишнинг айни фурсати.

БАЛИҚ
Уйдаги таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказасиз. Фақат жисмоний меҳнат билангина шуғулланиб қолманг. Иш жойингиздаги муҳим топшириқларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилинг. Бирор масала юзасидан тортишгудек бўлсангиз, ўзгалар фикрини ҳам тинглаш кераклигини унутманг.

Ishonch
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Анвар Юнусов, Довуд Мадиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Жаҳонгир Шарофбоев (масъул котиб), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Нормамат Аллаёров, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 256-52-78
Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Бизнинг манзил: 100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар ⓗ белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи - Д.Раҳмонова
Мусаҳҳиҳ - Ш.Абдусамадов

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Буюртма Г— 414 | Тиражи: 17621

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 18.30

Сотувда эркин нархда 1234 678